БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 23 (6698)
1 ФЕВРАЛЬ 1947 йил
ШАНБА
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Шу йил 7 февральда Ўзбекистон пахтакорларининг тўртинчи қурултойи очилади.

Пахтачиликни тиклаш ва юксалтириш Сталинча программасининг иккинчи йил топшириқларини тўла бажариш —ўзбек халқининг Ватан олдидаги муқаддас бурчидир.

Ўзбекистон пахтакорларининг тўртинчи қурултойи

Шу йил 7 февральда республикамиз пахтакорларининг тўртинчи қурултойи очилади. Бу қурултойга колхозчилар ва совхоз ишчиларининг пахтачиликни юксалтириш соҳасида катта ғалабаларга эришган энг саралари — илғор пахта усталари, пахта учун курашнинг пешқадамлари тўпланади.

Пахтакорларимизнинг кўклам олдидан ўз қурултойларига тўпланиб, ўтган йилда қилган ишларига якун ясаш ва янги йилнинг вазифаларини амалга ошириш йўлларини маслаҳатлашишлари энг яхши одат бўлиб қолди.

Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР ҳукуматининг раҳбарлигида чақирилган республика пахтакорлари қурултойлари пахтачиликни юксалтириш Сталинча программасини бажаришнинг амалий йўлларини белгилашда ва оммани шу масала атрофига сафарбар этишда ғоят катта роль ўйнаб келди. Ўзбекистон пахтакорларининг ўтган йили шу пайтда бўлиб ўтган учинчи қурултойи вакиллари СССР Халқ Комиссарлари Советининг «Ўзбекистонда 1946—1953 йиллар мобайнида пахтачиликни тиклаш ва янада юксалтириш плани ҳамда чоралари тўғрисида» деб 1946 йил 2 февральда чиқарган қарорини муҳокама қилиб, улуғ Сталинга ёзган мактубда бунлай деган эдилар:

«Ўзбекистонда пахтачиликни юксалтиришнинг Сиз тасдиқлаб берган программасини беками-нўст бажармоқ бизларга шараф ҳам фарздир ва ҳаттоки Сталинча программани муҳлатидан ҳам аввал бажаришни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб биламиз.

1946 йил — саккиз йиллик пахта планининг биринчи йилидир ва биз шу йил пахтакорликнинг келгуси тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор солмоғимиз керак. Чунки мустаҳкам пойдевор устидагина олий иморатлар солиш мумкин».

Ўзбек халқи Ленин-Сталин партиясининг раҳбарлиги остида ўзининг шу муқаддас бурчини тўла-тўкис бажариш учун умумхалқ юришни бошлади. Пахтакорларимиз ўз ва'даларининг устидан чиқиб, 1946 йилни ҳақиқатан ҳам пахтачиликни ривожлантиришнинг бурилиш йилига айлантиришлар ва унинг келгуси тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор қура олдилар. Республикамиз 1946 йили пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажарди. Ўзбекистон пахтакорлари мамлакатга бир миллион 115 минг тонна пахта етказиб бердилар. Бу — 1945 йилдагига нисбатан 350 минг тонна кўп, ёки ҳар гектаридан 2,5 центнер ортиқ. Пахтадан юқори ҳосил олишда юзларча колхозлар, мингларча бригада ва звеналар порлоқ ғалабаларни қўлга киритдилар. Сталинча саккиз йиллик программани муддатидан олдин бажариш учун бошланган Бутун Иттифоқ социалистик мусобақасининг ташаббусчиси бўлган илғор Каганович номли колхоз (Янгийўл районида) 520 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 44,5 центнер пахта етиштирди. Андижон область, Ленин районидаги Сталин номли колхоз гектаридан 32,7 центнердан, Тошкент область, Ўртачирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхози — 44,5 центнердан пахта ҳосили олишга муваффақ бўлдилар. Республикамиз колхоз ва совхозларида юзцентнерчилик ҳаракати ҳар қачонгидан ҳам кучли авж олди.

Республикамизнинг пахтачилигида ҳал қилучи роль ўйнайдиган Андижон области бирнеча йиллар мобайнида пахта тайёрлаш планини бажармай келар эди. Бу областьнинг пахтакорлари пахтачиликни юксалтириш Сталинча программасининг биринчи йили бўлган 1946 йил топшириқларини бажаришда етакчи ўринни эгалладилар. Андижон области ҳар гектардан олиналиган пахта ҳосилини бир йил ичида 6 центнер ошириб, мамлакатга 213 минг тонна пахта берди. Бу областьлаги 14 райондан 13 таси, 613 колхозлан 509 таси пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди. Ворошилов райони пахта ҳосилини бир йилда гектарига 8,5 центнер оширди.

Андижонлилар 1946 йилда эришган муваффақиятни янада мустаҳкамлаб, 1947 йилда пахтадан тағин ҳам мўл ҳосил олиш, пахтачиликни юксалтириш саккиз йиллик планини беш йилда бажариш мажбуриятини олиб, республикада янги ҳаракат бошлаб юбордилар.

Андижон пахтакорларининг бу ташаббусини республикамиздаги бошқа областьларнинг пахтакорлари ҳам қизғин қувватлаб қарши олмоқдалар. Сталинча тўртинчи бешйилликнинг иккинчи йили — 1947 йил республикамизда пахтачиликни урушдан аввалги даражага етказиш йили бўлади. Бу йил Ўзбекистонда пахта майдони 100 минг гектар кенгайтирилиб, 915 минг гектарга етказилиши керак. Ҳарбир гектардан ўрта ҳисоб блан 17 центнердан пахта олиниши, ёки ўтган йилга нисбатан ҳосил гектарига 3 центнер оширилиши керак. Бу йил Ўзбекистон пахтакорлари мамлакатга бир ярим миллион тонна пахта етказиб беришлари, ёки 1946 йилга нисбатан давлатга 33 процент кўп пахта топширишлари лозим. 1947 йилда суғориладиган экин майдонлари 245 минг гектар кўпайтирилади. Пахта ҳосилини оширишнинг асосий шартларидан бўлган алмашлаб экиш кенг йўлга қўйилади. Шу мақсад блан бу йил 180 минг гектар ерга беда экилиб, республикамизда беданинг умумий майдони 395 минг гектарга етказилиши керак.

Сталинча янги бешйилликнинг иккинчи йилидаги ана шу улуғвор вазифаларни тўла бажариш биринчи навбатда пахтачилик ишларини кенг миқ'ёсда машиналаштиришни талаб этади. Шунинг учун ҳам ЎзК(б)П Марказий Комитетининг XV пленуми «трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини кўклам экинига тайёрлаш ва партия ташкилотларининг МТС ишларига раҳбарлигини кучайтириш чоралари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. ЎзК(б)П Марказий Комитетининг пленуми барча партия, совет ташкилотларга трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини ўз вақтида ремонтдан чиқариб кўкламга тайёр қилиб қўйишни та'минлаш мажбуриятини юклади ва уларни 1947 йил мўл ҳосили учун курашда механизациянинг ҳал қилучи ролига баҳо бермасликка қарши, бу масалада хотиржамлик ва бўшашчиликка қарши большевикча кураш олиб боришга чақирди.

Кўклам дала ишларининг бошланиши яқинлашиб қолди. Аммо, республикамиздаги МТС ва совхозларда трактор ва қишлоқ хўжалик машина-асбобларининг ремонти ЎзК(б)П Марказий Комитети XV пленуми талаб қилган сур'ат блан бормаётир. 25 январьгача Ўзбекистон ССР Техника экинлари министрлигига қарашли МТСларда тракторлар ремонти плани 49,6 процент, Ер ишлари министрлигига қарашли МТСларда эса — 49,8 процент бажарилган. Шу жумладан Фарғона областида ремонт қилиниши лозим бўлган тракторларнинг 43,2 проценти, Бухоро областида 43,7 проценти, Қорақалпоғистон АССР да эса 42,2 проценти ремонтдан чиқаридган, халос. Тракторлар ремонтида юз берган бу қолоқлик кўкламни ҳар тарафлама шайланиб кутиб олишни, тарктoрлар блан бажарилиши зарур бўлган ғоят катта ишларнинг ўз вақтида юқори сифатли ўтказилишини қийинлаштиради.

Область ва район партия ташкилотлари, МТС партия ташкилотлари трактор ремонтидаги бу судралишга хотима беришлари керак. Шуни яхши тушуниб олмоқ лозимки пахтачиликни ривожлантиришнинг Сталинча программасини 1947 йилда белгиланган планини механизациядан тўла фойдаланмай туриб, бутун имкониятларни ишга солмай туриб амалга ошириш мумкин эмас. Ҳозирги ғаниматфурсатнинг бир кунини ҳам қўлдан бой бериш кўклам экинига кескин зарба бўлиб тушишини унутмаслик лозим.

Республика пахтакорларининг тўртинчи қурултойи Ўзбекистон ССР Олий Совети сайловига тайёргарлик қизғин бораётган бир пайтда чақирилади. Республикамизнинг колхоз ва совхозларида, машина-трактор станцияларида, саноат корхоналарида сайлов шарафига бошланган социалистик мусобақани тобора авж олдириб, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишда, кўкламга большевикча тайёргарлик кўришда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритайлик. Бу— қурултойга энг яхши совға бўлади.

Бу қурултой биргина пахтакорларнинг эмас, пахтачиликни юксалтириш Сталинча программасини бажаришга бел боғлаган бутун ўзбек халқининг қурултойидир. Пахта учун кураш—ўзбек халқининг Ватан олдидаги энг муқаддас бурчидир. Пахта — ўзбек халқи модий фаровонлигининг негизидир. Пахта — ўзбек халқининг Совет Иттифоқидаги барча халқлар блан чамбарчас алоқа, мустаҳкам дўстлигининг модий ифодасидир. Ўзбекистонда яшовчи ҳарбир ватанпарвар меҳнаткаш пахта учун бошланган умумхалқ юришига қўшилиб, бу улуғ ишга ўз ҳиссасини қўшиши керак. Ўзбекистон партия ташкилотининг жанговар вазифаси оммани шу масала атрофига сафарбар этиш ва уларни янги ғалабаларга бошлаб боришдан иборатир.

Ҳеч шубҳа йўқки, республика пахтакорларининг тўртинчи қурултойи пахтачиликни юксалтиришнинг 1947 йилги улуғ вазифаларини тўла бажариш йўлларини белгилайди. Ўзбек халқи бу йил мамлакатга бир ярим миллион тонна пахта етказиб беришлан иборат Ватан олдидаги, улуғ Сталин олдидаги муқаддас бурчини бажариш учун умумхалқ юришини янги тўлқинлар блан авж олдиради.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАЛИН САЙЛОВ ОКРУГИДА

Ғалабаларимизнинг буюк ташкилотчиси

Округимиз меҳнаткашлари бахтга муяссар бўлдилар. Биз 16 февраль куни ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси севикли Сталинга овоз берамиз. Шу кунларда ўртоқ Сталин шарафига цехларимизда меҳнат унумини ошириш учун социалистик мусобақа янала қизиб кетди.

Заводимиз ишчилари ўртоқ Сталининг ўзлари тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганини кун сайин сезиб турибдилар. Ўртоқ Сталин урош даврининг оғир йилларида тўқимачилик корхоналари учун машиналар ишлаб чиқариш блан бирга, муҳим ҳарбий анжомлар ясаш топшириғини берган эди. Доҳийнинг бу топшириғини тўла ало этдик. Москва бизга сўнгги техника асосида ишланган ускуналар берди. Москвадаги заводларда ишлаб, тажриба ортдирган бирнеча мутахассислар заводимизга келди.

Совет халқи улуғ Сталин номини дилга жо қилиб ишлади, жанг қилди, проварида манфур душман устидан буюк ғалаба қозонди.

Урош тугагач ўз ишимизни дарҳол тинч қурилиш даврига мослаб қайта қурдик. Республикамиздаги тўқимачилик саноати учун машиналар ишлаб чиқариш вазифаси бизнинг зиммамизга юклатилган. Сталинча тўрсинчи бешйилликнинг биринчи йилида заводимиз ана шу машиналардан бирнечасини тўқимачилик фабрикаларига берди.

Сайловга тайёргарлик қизиб бораётган шу кунларда заводимиз коллективи арқоқ йигириш машинасини тўла ускуналаш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш, февраль ойи планини 16 февраль кунигача тўла бажариш мажбуриятини олди. Ҳозир ҳарбир станок тепасида «Биринчи номзодимиз ўртоқ Сталин номида стахановча вахта!», «Кунлик нормани икки хисса ортиғи блан бажарамиз» деган ёзувларни ўқийсиз. Заводимиз коллективи ўз ва'дасини шараф блан бажармоқда. Коммунист Кузин бошлиқ бўлган 5-нчи цех январь ойининг дастлабки 20 кунлик топширигини 150 процент бажарди. 65 ёшли фрезерчи Царев «сайлов кунигача нормани 250 процентдан кам бажармайман, биринчи квартал топшириғини ошириб бажариб ўртоқ Сталинга овоз бераман» дейди. Цепляков бошлиқ бўлган цех ишчилари стахановча вахтада туриб, ҳар куни икки нормадан ишлямоқдалар.

Ўртоқ Сталин номи бизларни янги ишларга илҳомлантирмоқда. Биз улуғ устозимиз Сталин номини тилга олиб, янги бешйилликда тўқимачилик саноатимизга мўлжалланганидан бир ярим хисса ошиқ машиналар, дуглар, мокилар ва найчалар ишлаб берамиз. Ихтиро'чилик ҳаракатини кучайтирамиз.

Совет Ўзбекистони ўртоқ Сталининг ташаббуси блан ўзининг тўқимачилик машинасозлиги заводига эга бўлди. Заводимиз фақат республикамизнигина эмас, балки қўшни республикалардаги тўқимачилик фабрикаларини ҳам машиналар блан та'минлаяжак.

А. В. ПРОХОРОВ.
Сталин номли «Тоштекстильмаш» заводининг инженери.

С АҲМЕДОВ.
Тайёрлов цехининг стахановчиси.

Н. ЦАРЬКОВ.
Цех мастери.

Улуғ саркарда ва азиз отамиз учун овоз берамиз

Сталин сайлов округи сайловчиларининг бири бўлганим учун беҳад қувонаман. Мен 16 февраль куни социалистик ватанимизнинг ижодчиси, қувноқ ҳаётимиз ва бахт саодатимизнинг ижодчиси, ғалабаларимизнинг ташкилотчиси улуғ доҳиймиз, севикли Сталин учун овоз бераман.

Улуғ Сталин учун овоз бериш блан— қудратли ватанимизнинг гуллаб яшнаши, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши ва истиқболи учун овоз берган бўламиз. Сталин номи ғалаба байроғимиз, шон-шарафимиздир.

Мен 4 йиллан ошиқ Совет Армияси сафида хизмат қилдим. Москва остоналарида немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган шиддатли жангларда иштирок қилдим. Москва остоналаридан Берлинга қадар ғолибона жанг қилиб, шонли йўл босиб ўтган совет жангчилари сафида бўллим.

— Сталин учун олға! Ана шундай эди бизнинг жанговар шиоримиз. Сталин номи блан ғалаба қилдик.

Мен ҳозир республикамизнинг пойтахтиданман. ЎзК(б)П Марказий Комитети ҳузуридаги партия кадрлари тайёрлаш мактабида ўқитирман. Социалистик ватанимиз тарихини, Ленин-Сталин партиясининг шонли тарихини, большевизм тарихини ўрганмоқдаман. Мен социалистик ватанимизнинг ташкилотчилари бўлган улуғ Ленин ва Сталининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганмоқдаман

Миллионларча совет кишилари қаторида мени ҳам бахтли ва саодатли қилган, қаҳрамон қилиб етиштирган ва фаровон ҳаётга муяссар этган совет давлатидан, Ленин-Сталин партиясидан, улуғ саркарда, азиз отамиз Сталиндан чексиз миннатдорман. Ўз бахти-саодатимиз учун келажак қувноқ турмушимиз учун улуғ Сталинга овоз бераман.

Абдусаттор РАҲИМОВ.
Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

Ҳаммамизни бахтиёр қилган улуғ Сталин учун овоз бериш зўр шараф

Сталин сайлов округининг ишчилар шаҳарчасидаги катта кўчанинг муюлишида бирнеча кичкина кўчалар бор. Мана шу ерда — Островский кўчасидаги 8-нчи уйда кекса сайловчи Зулайҳо Дўстматова яшайди.

99 ёшга кирган Зулайхобуви ўз умрида кўп машаққатлар чеккан. Унинг 70 йиллик умри бойларнинг эшигида чўри бўлиб, оғир ҳаёт кечириш блан ўтган.

Ҳар куни кечга томон унинг уйига қўни-қўшнилар йиғиладилар, округдан агитатор келади. Зулайхобувининг ўғил-қизлари, набиралари унинг атрофини ўраб олдилар. Шунда бу кекса сайловчи ўзининг бошидан ўтган қора кунлар ҳақида, бойлардан кўрган жабру-жафаси, ўтмишдаги оғир ҳаёт тўғрисида ҳикоялар айтиб берали.

Совет ҳокимияти ўзбек халқига, Зулайҳо каби оналарга озодлик ва бахт-саодат келтирди. Ҳозир Зулайхобувининг 15 боласи, 21 набираси ва 4 абираси бор.

— Биз энди ўз ҳаётимизнинг тўла ҳуқуқли ҳўжайинлари бўлиб қолдик. Ҳарбиримизнинг ўз уйимиз, ўз боғимиз бор. Бизни улуғ, мухтарам Сталин очлик-яланғочликдан, ҳуқуқсизликдан қутқарди. Ҳозир болаларимиз мактабларда ўқийди, ёнимизда шифохона бор. Дастурхонимиз бут.

Зулайхобуви куҳна культепалар ўрнида баланд иморатлар, эгри-бугри кўчалар ўрнида катта тошйўл ва обод кўчалар қурилганини кўриб хурсанд бўлади. Машиналар, трамвайлар тўхтовсиз қатнаб турар, янги ҳаётнинг минглаб ижодчилари корхоналарда ишлайдилар. Кечга томон Ильич чироғлари ёқилиб, ҳаммаёқ чароғон бўлади. Илгари қоронғулик ва қашшоқлик блан яшаган халқ, энди озодлик нашу-намосидан баҳрамонд бўлиб, фаровон ва эркин ҳаёт кечирмоқда. Ҳозир бу районда янги фабрикалар, заводлар бор. Халқ ватан шарафи учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Яқинда Дўстматовлар оиласига янги уй берилди. Мана шу обод уйда энг кекса киши Зулайхобувилар яшайди.

— Ҳаммамизнинг отамиз улуғ Сталиндир, — деди Зулайхобуви. Улуғ Сталин ўзбек хотин-қизларига озодлик келтирди. Тенг ҳуқуқли хотин-қизлар кексайганларида халқнинг ҳурмат, иззатига сазовор бўлиб, бахтиёр яшайдилар. Мен болаларимни, набираларимни кўриб, бошим кўкка етгудай бўлади. Чунки улар ҳаммаси ишлайдилар, ўқийдилар, фаровон турмуш кечирадилар. Ҳаммамизни бахтиёр қилган улуғ Сталиндир.

— Зулайхобуви меҳмонлар блан ҳайрлаша туриб, шундай деди:

Мен азиз киши Сталин учун овоз бераман, барвақт, ҳаммадан илгари сайлов қутиси ёнига бориб, ҳаммамизнинг буюк падаримиз, бизларни бахтиёр қилган улуғ Сталинни катта шодиҳуррамлик блан депутатликка сайлайман.

Н ВАГАНОВ.

Ўзбекистон Техника экинлари министрлиги ҳузурида кадрлар масаласи юзасидан республика кенгаши

Ўзбекистон ССР Техника экинлари министрлиги ҳузурида кадрлар масаласи юзасидан республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Министрлик ҳузуридаги кадрлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Калистратов доклад қилди.

— Республикамизда пахтачиликни янада ривожлантириш вазифалари, — деди докладчи, — механизацияни янада кучайтиришни, колхоз ва совхозларда тўғри алмашлаб экишни тиклаш ва жорий қилишни, ерларни яхши ишлашни талаб қилади. ЎзК(б)П Марказий Комитети XV пленумининг қарорлари муносабати блан Техника экинлари министрлиги системасида мутахассисларни ва раҳбар ходимларни танлаш, уларни ўрганиш ва жойжойига тўғри ўрнатиш ҳамда механизация кадрлари тайёрлаш катта аҳамиятга эга.

Афсуски, ҳозиргача республикамизнинг бирқанча районларида раҳбар ходимларни Техника экинлари министрлигидангина эмас, балки область техника экинлари бўлимларидан ҳам ижозат олмасдан жойланжойга кўчириш ҳоллари давом этмоқда. Ба'зи районларда ЎзК(б)П район комитетлари МТС директорларини ўзбошимчалик блан ишдан олмоқдалар ва бошқа ишга кўчирмоқдалар. Раҳбар ходимларни ўзбошимчалик блан бошқа ишга кўчириш Самарқанд областида ва Ўзбекистон пахтачилик совхозлари системасида айниқса кўп учрамоқда.

Ходимларни пухта ўрганмаслик натижасида раҳбарлик ишларига шубҳали кишиларнинг суқулиб киришидек ҳоллар ҳам бор. Масалан, Жомбой МТСнинг директори Клеблеев ва Наманган районидаги 1-нчи МТСнинг директори Михайлянц колхозлардан қонунга хилоф суратда ҳар хил ғарсалар олиш ва чайқовчилик қилиш блан шуғулланганлар. Бошқа ба'зи районларда ҳам шунга ўхшаш ҳоллар бўлди.

Механизация кадрлари тайёрлашда механизация мактаблари катта роль ўйнамоғи керак. Афсуски, бу мактаблар ҳозирча ўз олдиларида турган талабга жавоб бераолмайдилар. Механизация мактаблари 1946 йилда механиклар тайёрлаш планини бажармадилар. Термиз ва Каттақўрғон мактаблари айниқса ёмон ишлади. Термиз мактаби 160 киши ўрнига атиги 70 киши, Каттақўрғон мактаби 220 киши ўрнига 148 киши тайёрлаб чиқарди, халос. Тошкент механизация мактаби 200 ремонтчи механик тайёрлаши керак эди. Лекин ҳозирги вақтда бу мактабда фақат 40 киши ўқиб турибди.

Музокарада сўзга чиққан ўртоқлар мутахассислар тайёрлаш ишининг сифати паст эканлигини айтдилар. Порин ва Хўжайли районларидаги механизация мактабларида механизаторлар ва тракторчилар тайёрлаш айниқса қониқарсиз аҳволда. Бу мактабларни тамомлаб чиққан тракторчиларнинг малакаси етарли эмас, ба'зи бирлари эса мустақил суратда ишлай олмайди.

Бу ерда шуни айтиш кифояки, тракторчилар ва ремонтчи ишчиларнинг малакаси кам бўлганлиги сабабли, бу йил ёнилғи ва ремонт учун икки миллион сўм пул ошиқча сарфланди.

Андижон қишлоқ хўжалик техникуми ҳамиша яхши мутахассислар етиштириб келар эди. Лекин сўнгги йилларда техникумда ўқиш сифати пасайди. Сўнгги вақтда чиқарилган мутахассислар ҳозирги замон агрономиясининг юксак талабларига жавоб бераолмайдилар.

Кенгашда министрлик ҳузуридаги кадрлар бошқармасининг иши қаттиқ танқид қилинди.

— Техника экинлари министрлиги, — деди Андижон область техника экинлари бўлими бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Болтабоев, — тракторчилар тайёрлаш тўғрисида МТСларга топшириқ беради. Аммо, ҳеч қандай амалий ёрдам бермайди. МТСларда кўргазма ўқув асбоблари, ўқитувчиларга тўлаш учун маблағ йўқ.

Министрлик ташкил қилингандан буён коллегия мажлисларида кадрлар тайёрлаш масаласи бир марта ҳам муҳокама қилинмаган. Мутахассисларнинг малакасини ошириш кўнгилдагидек эмас. Бунинг учун кўпроқ кадрлар бошқармаси айблидир. Ўтган йили Техника экинлари министрлиги район техника экинлари бўлимлари бошлиқлари, МТС директорлари ва механизаторларнинг малакасини ошириш учун бир йиллик курс ташкил қилган эди. Курсда ўқиган 50 МТС директоридан фақат 22 киши ўқувни тамомлади. Лекин бу ҳол кадрлар бошқармасини ташвишга солмаги.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Техника экинлари министри ўртоқ Раҳимов сўзга чиқиб, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва ўрганиш соҳасида йўл қўйилган хато ва камчиликларни кўрсатиб ўтди ва бу соҳада қилинадиган ишлар ҳақида гапирди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг навбатдаги мажлисида Тошкент шаҳар меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетларида граждаплар томонидан берилган ариза ва шикоятлар қандай кўрилаётганлиги масаласи муҳокама қилинди.

Шаҳар ижроия комитети ва унинг бўлимларида граждаплар томонидан берилган шикоят ва аризаларни ҳисобга олиш сўнгги вақтгача йўлга қўйилмаган. Шикоятларни йўқотиб юборишдек ҳоллар ҳам бор. Масалан, Фрунзе район ижроия комитетида нон карточкалари оладиган стандарт справкаларни тасдиқлаб берганлик учун граждаплардан қонунга хилоф суратда пул олинаётганлиги ҳақида берилган шикоят аризаси йўқотилган. Граждаплар ариза ва шикоятлари ба'зан шикоят қилинган ташкилотлар ва кишилар қарамоғига юборилган. Тошкент шаҳар ижроия комитети, шунингдек Куйбишев, Москва ва Марказий район ижроия комитетларига шикоят берган меҳнаткашларнинг бирнеча ой мобайнида ўз шикоятларига жавоб ололмай юрганликларини кўрсатадиган фактлар ҳам аниқланди. Ҳозирги вақтда биргина шаҳар ижроия комитетида жавоб берилмаган 511 шикоят ва ариза бор.

Министрлар Совети Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Ковалёвга шикоят ва аризаларни йўл қўйилмаслик даражада кечикиб кўрганлиги ва бу ишга расмиятчилик блан қараганлиги учун виговор э'лон қилди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳусайновга ва Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетларининг раисларига ҳозиргача тушган ҳамма шикоят ва аризаларнинг бир ой муддат ичида кўриб чиқилишини та'минлаш, келгусида шикоятларни белгиланган муддат ичида кўриш таклиф этилди.

Бўлимлар ёки район ижроия комитетларининг нотўғри ҳаракати тўғрисида граждаплар томонидан берилган ҳамма шикоятлар бевосита шаҳар ижроия комитетида кўрилиши керак.

Министрлар Совети Тошкент шаҳар ижроия комитетига шикоятларнинг қандай кўрилаётганлиги тўғрисида ўз мажлисларида ижроком бўлимлари мудирларининг ва райижроком раисларининг докладларини мунтазам суратда эшитиб туриш, шунингдек граждаплар ва аризаларини шикоятчиларнинг иштироки блан ўз мажлисларида кўриш мажбуриятини юклади.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ва район ижроия комитетларининг раисларига, уларнинг ўринбосарларига, шунингдек ижроком а'золарига граждаплар ҳар куни қабул қилиш вазифаси юклатилди. (ЎзТАГ).

В. И. ЧАПАЕВ ТУҒИЛГАНИГА 60 ЙИЛ ТЎЛИШИ ШАРАФИГА КЎРГАЗМА

ЧЕБОКСАРИ, 28 январь (ТАСС). Граждан урушининг тилларда достон қаҳрамони, Чувошистонда туғилган Василий Иванович Чапаевнинг туғилганига 28 январьда 60 йил тўлиши муносабати блан Чувошистон ўлкани ўрганиш музейида кўргазма ташкил этилди.

Бу ерда Чапаев туғилган ва болалик йилларини ўтказган уйнинг макети, Василий Ивановичнинг ватани бўлмиш Будайки (ҳозирги Чапаевка) қишлоғининг сурати, Николаев уездидаги деҳқонларни Қизил Армияга сафарбар қилиш тўғрисида Чапаев қўл қўйган буйруқнинг кўчирмаси, Уральска қилинган биринчи юришнинг харитаси, 25-нчи Чапаев дивизиясининг шонли жанговар йўлини тасвирлайдиган фотоматериаллар, шунингдек чувош рассоми Сверчков чизган «Чапаев жангда» деган катта сурат бор. Чапаевка қишлоғининг колхозчилари—Чапаевнинг тенгдошлари бўлмиш кишиларнинг хатлари ва эсдаликлари музейга келучиларни граждан уруши қаҳрамонининг болалик йиллари блан таништиради.

Ўзбекистон комсомолининг XI қурултойида

31 январь эрталабки мажлис

Ўзбекистон комсомоли XI қурултойининг иккинчи мажлиси Ҳукумат уйининг мажлислар залида очилди. Қурултой ЎзЛКСМ Марказий Комитети тафтиш комиссиясининг ҳисобот докладини эшитди. Бу тўғрида ўртоқ **Сатанин** доклад қилди.

ВЛКСМ устави тафтиш комиссиялари зиммасига комсомол аппаратининг иши қандай йўлга қўйилганлигини, идора ишларининг тез ва тўғри бажарилишини мунтазам суратда текшириб туриш, комсомолларнинг хат ва аризаларига э'тибор блан қараш, комсомол бюджетининг тўғри сарфланишини текшириб туриш вазифасини юклайди.

Докладчининг айтишича, ЎзЛКСМ Марказий Комитети комсомоллар ва ёшларнинг хат ва аризаларига тўраларча қараган, бу ариза ва хатларга ўз вақтида жавоб бермаган. Марказий Комитет аппарати келган хатларни қайд қилиш блан чекланган, хатларнинг тақдири блан қизиқсинмаган. ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг секретарьлари, бўлим мудирларидан ва инструкторлардан шикоятларнинг тезроқ кўриб чиқилишини талаб қилмаганлар.

Ана шундай назоратсизлик натижасида кўп вақт хатлар ҳеч бир зарурият бўлмагани ҳолда область, шаҳар ва район комсомол комитетларига юборилган, бир бўлимдан иккинчи бўлимга чиқарилган, шикоят берган кишиларга жуда кечикиб жавоб қайтарилган. Комсомол Марказий Комитети 23 та хатга умуман ҳеч қандай жавоб бермаган. Бу — кечириласлик бир ҳолдир.

ЎзЛКСМ Марказий Комитетида юқори ташкилотлар ва ўз қарорларининг, шунингдек иш планларининг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш яхши уюштирилмаган.

Сўнгра докладчи бюджет интизоми масаласига тўхталди. Союз ва оталик взнослари бўйича комсомол бюджетининг даромад қисми йил сайин бажарилмай келаётир. ЎзЛКСМ район, шаҳар ва область комитетлари, шунингдек ЎзЛКСМ Марказий Комитети яхши назорат қилиб турмаганлиги сабабли 1945—1946 йилда бюджетнинг даромад қисми бир миллион сўм миқдорида кам бажарилган. Буларнинг ҳаммаси кўпгина комсомол ташкилотларида ВЛКСМ устави қўпол суратда бузилганлигини, союз интизомининг бўшашиб кетганлигини кўрсатади. Андижон область, Избоскан районидаги бошланғич комсомол ташкилотларининг кўпчилиги 1946 йилнинг 8 ойи мобайнида тўпланган а'золик взносларини топширмагандар. Фарғона, Самарқанд ва Қашқадар'ё областьларида ҳам шундай аҳвол юз берган. Тошкент шаҳар комсомол ташкилотида ўтган йили 50 та бошланғич комсомол ташкилоти тўпланган а'золик взносларини топширмаган. Бирқанча жойларда комсомол маблағини суиистеъмол қилиш, исроф этиш ҳоллари юз берган.

ВЛКСМ Марказий Комитети «Комсомол ташкилотларида бюджет интизомини ва молия назоратини кучайтириш тўғрисида» деб 1946 йил 8 августда чиқарган қарорида, ЎзЛКСМ Марказий Комитети а'золик взнослари юзасидан белгиланган ҳисобот тартибини бузаётган район, шаҳар, область комитетларига нисбатан, район, шаҳар, область комитетлари эса — бошланғич комсомол ташкилотларига нисбатан тегишли чора кўрмаётирлар деб та'кидлаган эди. ЎзЛКСМ Марказий Комитети бу камчиликларни бартараф қилишга юзаки қараган, ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарорини республика комсомол ташкилотларига юбориш блан чекланган.

ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг бюроси область комсомол комитетларининг молия ишини назорат қилиб турмаган ва бу муҳим ишни ўзининг молия-хўжалик секторига ишониб топшириб қўйган. ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг бюроси 1945—1946 йил мобайнида а'золик бадалларининг қандай тўпланаётганлиги тўғрисида бир марта ҳам область комсомол комитетларининг докладини муҳокама қилмаган.

Докладда бюджетнинг даромад ва ҳаражатлари нотўғри юргизилганлиги ҳақида бир қанча фактлар келтирилади. Хоразм ва Қорақалпоғистон область комсомол комитетларида идора ва хўжалик эҳтиёжлари учун айниқса кўп ошиқча пул сарфланган.

Шуни ҳам айтиш керакки, марказий тафтиш комиссияси ЎзЛКСМ X қурултойи томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифани бажармаган. Ҳисобот даврида ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг молия-хўжалик иши фақат бир марта тафтиш қилинган. Тафтиш комиссиясининг ҳисобот докладида комсомол хўжжатлари юзасидан бўлган ҳисоб-китоб қандай аҳвоида эканлиги, ЎзЛКСМ а'золигига янги қабул қилинган кишиларга комсомол билетларининг ўз вақтида берилмаётганлиги ҳақида бир сўз ҳам айтилмади.

★ ★ ★

Ўзбекистон Ленинчи комсомолининг XI қурултойи номига Украина, Белоруссия комсомолидан, қаҳрамон Ленин шаҳрининг комсомолларидан, Қозоғистон, Туркманистон, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Тожикистон, Литва, Эстония ва бошқа республика комсомол ташкилотларидан келган табрик телеграммалари ўқиб берилди.

ЎзЛКСМ Марказий комитетининг иши тўғрисида ҳисобот доклади юзасидан музокараларда биринчи бўлиб Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Эгамбердиев** сўзга чиқди. Ўртоқ Эгамбердиев ўз сўзида ёшларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш соҳасидаги ишлар Тошкент комсомол ташкилотида ҳали ҳам бўш қўйилганлигини э'тироф қилиб, бу соҳала пойтахт комсомол ташкилоти олдида турган вазифаларни айтиб ўтди.

Каганович номли завод ишчиси, қурултой вакили ўртоқ **Дергач** 5 йиллик планни шу йил 5 декабрь — Конституция кунида бажаришга ва'да берди ва республикадаги барча комсомол ва ёшлар бригадаларни мусобақага чақирди.

— Самарқанд область комсомоллари— деди область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Хамидов** — ўтган йил ўз устларига олган мажбуриятларни бажармадилар. Чунки биз фақат комсомол бригадари ва звенолари блан шуғулланиб бошқа колхозчи ёшларни унутиб қўйдик. Биз бу камчиликни ҳисобга олишимиз керак.

Қорақалпоғистон область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Қалимбетов** бундай деди:

— Қорақалпоғистон комсомоли коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида Ватан уруши йилларида ҳам, халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш программасини бажаришда ҳам область партия ташкилотига катта ёрдам берди. Қорақалпоғистоннинг юзлаб азамат комсомоллари Ватан уруши фронтларида кўрсатган қаҳрамонликлари учун орден ва медальлар блан мукофотланди. Қорақалпоғистонда тузилган 312 та комсомол звеноси пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажардилар ва пахталаи мўл ҳосил етиштирдилар. Қорақалпоғистон комсомолининг энг яхши намояндаларидан 38 киши Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советлари депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Сўнгра, ўртоқ Қулимбетов Қорақалпоғистон комсомолининг ишидаги катта камчиликлар тўғрисида гапириб, комсомол ва ёшлар ўртасида сиёсий тарбия ишларининг қониқарсиз қўйилганлигини та'кидлади.

Ўзбекистон комсомол Марказий комитети Қорақалпоғистон область комсомол комитетига етарли равишда конкрет раҳбарлик қилмаётир. Ба'зи вақтда амалий раҳбарлик кўпинча телеграммалар ва қарорлар юборишлаб иборат бўлиб қолади. ЎзЛКСМ Марказий Комитети сиёсий тўгаракларни программа блан ўз вақтида та'миналмади. Сиёсий тўгаракларда машгулотларни бошлаб юборишни тўғрисида 1 ноябрьда қарор чиқариб, 15 ноябрьда бизлан ҳисобот сўралди. Ҳолбуки бу вақтда биз программани ҳам олмаган эдик.

Андижон область, Жалақудуқ район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Алимов** шундай деди: район комсомол ташкилоти машина-трактор станциясида ёшлардан иборат ремонтчи бригада ташкил қилди. МТСдаги 45 та комсомол нормани ошириб бажармоқда. Район комсомол ташкилоти МТС учун 450 дан ортиқ ҳар хил қисмлар тайёрлаб берди.

Ўртоқ Алимов комсомол раҳбар кадрларни танлаш, уларни тарбиялаш соҳасида Ўзбекистон комсомол Марказий комитетининг кадрлар бўлими томонидан йўл қўйилган жиддий хатолар тўғрисида гапирди. Андижон областида комсомолнинг раҳбар кадрлари тез-тез ўзгариб турали. Ишни уддa қилаолмаганлиги учун бир жойда ишдан олинган киши иккинчи бир жойда яна раҳбарлик ишига тайин қилинади.

Қорасув район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Обидов** сиёсий-оқартув муассасалари органларига комсомол ташкилотларининг ёрдами етарли даражада эмас деб айтди. Комсомол ташкилотлари омма ўртасида сиёсий тарбия ишларини олиб боришда катта аҳамиятга эга бўлган клублар, қизил чойхоналар ва кутубхоналарнинг ишларига катта аҳамият беришлари, бунинг учун малакали кадрларни ажратишлари керак.

Тошкент медицина институти комсомолларидан ўртоқ **Исахонов** Ўзбекистон комсомол Марказий комитети олий мактабларидаги комсомол ташкилотлари ишига етарли даражада раҳбарлик қилмаётир деб танқид қилди.

Андижон шаҳар комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Муҳамедов** сўзга чиқиб шундай деди:

— Андижон шаҳридаги барча корхоналар Сталинча бешйилликнинг биринчи йил планини тўла бажардилар. Андижон комсомоллари бу соҳага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Андижон колхозчилари бу йил давлатга 300 минг тонна пахта бериш учун курашмоқдалар. Комсомол ташкилотлари кўклам экиш ишларини ўз вақтида бошлаб юборишни учун МТСларга амалий ёрдам бермоқдалар. Комсомолларнинг кучи блан 20 минг дона турли ахтиёт қисмлар тайёрланди.

Шундан кейин Ўзбекистон Ленинчи комсомолининг XI қурултойини пойтахт пионерларининг вакиллари табрик қилдилар. Қурултой вакиллари Ленинчи комсомолининг шонли ўрнибосари, коммунизм жамияти қуручи ёш бўғинни узоқ давом этган олқишлар блан қутиб олдилар. Пионерларнинг делегацияси Тошкент мактабларининг ўқучилари номидан XI қурултойга а'ло даражада ўқишга ва'да берди ва пионерлар томонидан қурултойга атаб ишланган самолёт моделини, ВЛКСМ значоги ва альбомни тақдим қилди.

Қурултойнинг эрталабки мажлисида, бундан ташқари, Бухоро шаҳар комсомол комитетининг секретари **Раҳмонова**, Наманганлан **Рўзибоев**, Чкалов номли заводдан **Қосимов**, Қўқон суперфосфат заводидан **Исҳоков** ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Машинасозлар, қишлоқ хўжалигига ёрдамни кучайтирайлик!

„Чирчиқсельмаш“ бир ме'ёрда ишлаши керак

«Чирчиқсельмаш» заводи республикамиз қишлоқ хўжалигини механикалаштиришда асосий корхоналардан ҳисобланади. Ўтган йилда завод ҳар хил сеялкалар, окучниклар ва шу каби қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Аммо, бунинг блан заводни яхши ишлайди, деб бўлмайди. Чунки завод йиллик планни тўла бажармади. 1946 йилнинг иккинчи ярмида завод 435 минг сўмлик ўрнига фақатгина 144 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлабчиқарди, халос.

Заводда давлат планининг бажарилмай қолишига ой бошида ишни сусайтириб қўйиш ва ойнинг охирида штурмга ўтиш сабаб бўлди. Ҳар ойнинг охирги кунларида графикда кўрсатилган ишларнинг 70 процента бажарилади, ойнинг дастлабки икки ўн кунлигида эса деярлик ҳеч иш қилинмайди. Масалан, ўтган йилнинг декабрь ойида ишлабчиқарилган 650 машина асосан иккинчи ва учинчи ўнкунликда тайёрланган. Биринчи ўнкунликда ҳеч иш қилинмаган.

Завод раҳбарлиги бу йил ҳам ўша ярамас иш услубини давом этдирмоқда. Январь ойининг биринчи кунларидан бошлаб график бузилди. Январь ойида 400 та трактор сеялкаси, 250 дона КД машинаси ишлабчиқариш керак, 15 кун ўтиб кетди. Завод фақатгина 90 та трактор сеялкаси тайёрлади. Уларнинг ҳам ба'зи бир детальлари тайёр эмас. Шу сабабли уларни колхозларга жўнатиб бўлмайди.

Завод ишидаги асосий камчиликлардан яна бири шуки—асосий тайёрлов цехлари ёмон ишлайдилар. Детальларни қуйиб беручи, асосий тайёрлов цехлари заводни орқага судраётирлар. Натижада қуйилмаларни пардозловчи ва ишловчи цехлар, шунингдек машиналарни йиғуучилар бирнеча кунлаб бекор туриб қолаётирлар.

Масалан 15 ва 16 январь кунлари ўртоқ Беляев бошлиқ сеялкалар йиғуучи цехда деталь йўқлигидан 4 та станок бекор турди. 17 январьга келиб цех бутунлай ишламади. Мастер ўртоқ Овсеев ўз токарьлари блан бошқа ишларни қилди.

Айрим бригадалар ва ҳатто цехларнинг куни блан бекор туришлари тез-тез рўй бермоқда. Шу сабабли заводда меҳнат унуми пасаймоқда. Январь ойининг биринчи ярмида ўтган ойнинг учинчи ўнкунлигига қараганда меҳнат унуми 75 процент пасайди.

Заводнинг қуюв цехи январь ойининг биринчи ўнбеш кунлигида 83.300 дона деталь қуйиб берган бўлса, шулардан 18.600 донаси бракка чиқиб кетди. Шунингдек, темирчилик цехи (бошлиғи ўртоқ Ренберг) ойнинг дастлабки кунларида графикни 25 процентдан бажариб келди. Натижада йиғув цехи неча кунлаб бекор қолди.

«Чирчиқсельмаш» заводи январь ойида тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари учун 92 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлабчиқариши керак. Январь ойининг биринчи ўнкунлигида давлат топшириғи бори-йўғи 3.1 процент бажарилди, халос.

Заводда 15 йилдан буён ишлаб қатта тажриба ортдирган слесарь Қамбаров, Бурҳонов, темирчи Эшматов, қолипчи Пургалиев каби кунига тўрт норма бажаручи стахановчилар кўп. Аммо улар иш блан тўла та'миналмаётирлар. Оқибатда график бузилмоқда. Давлат плани бажарилмаётир.

ЎзК(б)П Чирчиқ шаҳар комитетининг ходимлари заводга тез-тез келиб турадилар. Аммо, заводни қолоқликдан чиқариш учун ҳеч қандай чора кўрмайдилар. Завод директори Фелоненко ва партия ташкилотининг секретари Савин ўртоқлар узундан-узун қарор чиқаришдан амалий ишга кўчган эмаслар.

Х. АБУТОЛИПОВ.

ҚАРШИ ТЕМИР ЙЎЛ СТАНЦИЯСИ ДЕПОСИДА

Тракторчилар республика кенгашининг мурожаатига жавобан Қарши станция депосининг ходимлари Ғузор МТСига ёрдам бериш мажбуриятини олдилар. Депода трактор детальларини ремонт қилиш учун махсус бригада тузилди. Бригадага энг яхши стахановчилардан ўртоқ Потапов бошлиқ қилиб тайинланди.

Бу бригада тракторнинг 40 дона шестерня ва бирқанча подшипник рулиги каби жуда кўп детальларини ремонт қилиб берали. Бундан ташқари, МТС учун ҳархил зарур асбоб-ускуналар ажратилди.

Ўртоқ Потапов ишдан ташқари вақтда МТС нинг пармалаш станогини ишга солиб бериш мажбуриятини олди.

Л. ХАМРОЕВ.

ЗАВОД КОЛЛЕКТИВИНИНГ ПАХТАКОРЛАРГА ЁРДАМИ

Ўртоқ Зиновьев директор бўлган заводнинг илғор стахановчилари трактор ва қишлоқ хўжалик детальлари тайёрлаш январь ойи топшириғини ошиғи блан бажардилар.

Завод шу йилнинг биринчи ярмида 1500 дона, шу жумладан январь ойида 250 дона 09—03-нчи трактор детали тайёрлаб бериши лозим эди. Завод стахановчилари 720 дона деталь тайёрлаб, ойлик топшириқни қарийб 3 марта ошириб ado этдилар.

Мастер Константин Безнесюк ва унинг қўл остидаги Мурод Миразизов бошлиқ стахановчи пўлат қуючилар бригадасининг ғайрат блан ишлаши сабабли завод МТС ва совхозлар учун жуда зарур детальларни оз фурсатда кўплаб чиқара олди. Завод қишлоқ хўжалиги учун зарур детальлар буюртмасини олгандан кейин, ўртоқ Мурод Миразизов бригадасидаги стахановчилар ҳар куни 2—3 норма бажараётирлар.

Завод стахановчилари «Коммунар» комбайни учун 4 хил деталь тайёрлаётирлар. Завод комбайн учун 2110 дона деталь тайёрлаб қўйди ва шу блан ярим йиллик топшириқни ошиғи блан бажарди.

Завод февраль ойида пахта сеялқаси учун детальлар чиқара бошлаши керак. Уларни ўзлаштириш учун катта тайёрлик кўрилди.

Яқинда заводга янги топшириқ берилди. Завод тракторлар учун 12 минг дона ҳархил калиб тайёрлаб бериши керак. Калиб ишлаб чиқариш учун штамплар тайёрланиб қўйилди. Яқинда бу янги маҳсулот кўплаб ишлаб чиқарила бошлайди. Завод стахановчилари трактор ва қишлоқ хўжалик детальлари ишлаб чиқариш топшириғини муддатидан аввал— ЎзССР Олий Советига сайловлар кунигача бажариш мажбуриятини олдилар.

Завод 3-нчи Мирзачўл МТСини ўз оталигига олди. Тракторларни ремонт қилувчи бригадаларга ёрдам бериш учун 3 киши жўнади ва 9 минг сўмлик ҳархил асбоб ва материаллар ажратилди.

Тўхта ЮНУСОВ.

Муҳим детальлар ўз вақтида тайёрлансин

Ўзбекистонлаги барча МТС лар шариконоподшипник сўраб талабнома юбормоқдалар. Шариконоподшипник трактор ремонтини тезроқ тамомлаш учун энг зарур ахтиёт қисмдир.

«Шариконоподшипник» заводига бу муҳим детальларни тайёрлаш ҳақида буюртма берилган. Январь ойидаёқ завод 2200 ва 3120 сонли шариконоподшипникларни 800 донадан ишлаб чиқариши керак. Завод фақат 2200-нчи подшипникни тайёрлаб берди. 3120-нчи подшипникни ишлаб чиқариш топшириғининг ярми ҳам бажарилган эмас.

3120-нчи подшипникни ишлаб чиқариш учун халқалар етишмайди. Бу халқаларни «Шариконоподшипник» заводига Чкалов номидаги завод тайёрлаб бериши керак. «Шариконоподшипник» заводи бу халқаларни олаолмасдан кўп овора бўлмоқда. Бу йил бу детальни 5 минг дона тайёрлаб бериш керак.

Чкалов номли завод ўтган йилда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган детальларни, шу жумладан подшипник халқаларини ўз вақтида тайёрлаб берар эди. Бу йил ҳам завод бу муҳим детальларни кўплаб ишлаб чиқара олади. Аммо завод ходимлари материаллар етишмайди деган баҳона кўрсатиб, муҳим давлат топшириғини бажармай келадилар. Завод раҳбарлари планни бажариш учун ички имкониятларни тўла сафарбар қилиши, шу блан бирга керакли материалларни тезроқ топиш учун ташаббус кўрсатиши керак.

Б. ЗИМИН.

ЎЗБЕКИСТОН ИЛҒОР ПАХТАКОРЛАРИНИНГ IV ҚУРУЛТОЙИ ОЛДИДАН

Ёллама қишлоқ совети Чиноз районида биринчи

СССР Халқ Комиссарлари Советининг Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш чоралари тўғрисидаги қаророда пахта ҳосилини 1947 йилда урушдан илгариги даражага етказиш вазифаси қўйилган. Биз нинг Ёллама қишлоқ совети Иттифоқ ҳукуматининг бу топшириғини муваффақиятли бажариб, Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишга киришдик. Қишлоқ совети 1946 йилда пахталаи юқори ҳосил олишда кескин бурилиш ясашга муваффақ бўлди. Ўтган йили 839 гектар ерга чигит экилиб, ҳар гектаридан 24.7 центнер ўрнига 31 центнер ҳосил олинди.

Ёллама қишлоқ советида 4 та колхоз бор. Бу колхозларнинг ҳаммаси ҳам ўтган йил пахта тайёрлаш планини анча ошириб бажарди. «Политотдел» колхози (раиси ўртоқ Ориқбул Раҳмонқулов) ҳар гектаридан 28 центнер ўрнига 39 центнердан, Юсупов номли колхоз (раиси ўртоқ Норқўзи Ҳолматов) 250 гектар ерининг ҳар гектаридан 27 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. «Политотдел» колхозининг 60 яшар Қўчқор ота Бобоев бошлиқ звеноси гектаридан 60 центнердан ва қишлоқ советидаги бошқа 10 га яқин бригада, звенолар гектаридан 40 центнер ва ундан ҳам ошириб ҳосил олдилар. Сталин номли колхознинг Бекмурод Ўмматқулов звеноси 5 гектар ерининг ҳар гектаридан 69 центнер ҳосил берди.

Ёллама қишлоқ совети 1946 йилда олган ҳосилга бундан илгариги йиллари сра эришмаган эди. Қишлоқ советининг пахтакорлари пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида ҳукуматимиз қарорини биринчи йилдаёқ пахта амалга ошириб, пахта ҳосилини урушдан илгариги даражадан анча ошириб юборилдар. Бир йил ичида қишлоқ советида пахта ҳосили ҳар гектар ҳисобига 10 центнерга яқин кўтарилди.

Чиноз районининг ўтган йил пахта тайёрлаш планини бажаролмади. Шундай бўлгани ҳолда, Ёллама қишлоқ совети шунчалик кўп пахта етказиб бердики, бу ҳосил районнинг ўтган йил давлатга топширган пахтасининг 18 процентдан ортиқроғини ташкил этди, ёки районнинг ўртача ҳосилига нисбатан, Ёллама қишлоқ совети икки баравар кўп ҳосил етиштирди.

Биз бу муваффақиятга қандай қилиб эришдик? Аввало шуни айтиш керакки, қишлоқ советидаги 4 та колхознинг ҳаммасида ҳам пахтачилик ишида механизациядан тўла ва тўғри фойдаланишга жиддий э'тибор берилди. Пахта ерининг 80 процентдан кўпроғи трактор блан икки марта ҳайдалди. Чигит экиш 100 процент трактор сеялкаси блан ўтказилди. Ғўза қатор оралари трактор блан 6 маротаба культивация қилинди. Ғўзанинг 40 процентдан ортиқроғи шахмат усулида ишланди.

Биз механизациядан фойдаланишда фақат ишнинг миқдорини ошириш блан қаноатланмай, ишнинг юқори сифатли ўтишига алоҳида э'тибор берамиз. Айниқса ер ҳайдаш даврларида колхоз активлари далаларнинг ўзида ҳарбир ишни бошдан то охиригача кўздан кечириб боралидар. Қаерда ишнинг сифати бузилса, ўша ерининг ўзида тузатилади.

Бизнинг қишлоқ советида яхши пахта усталарининг тажрибаларини агрономия қоидалари блан боғлаб олиб бориш ҳам кенг йўлга қўйилган. Участка агрономи ўртоқ Мусажон Муҳамеджонов қишлоқ советига 21 йилдан бери хизмат қилиб келади. Ўртоқ Муҳамеджонов ҳарбир мавсумда колхозларнинг бригада, звено бошлиқларига механизациядан фойдаланиш йўлларини ва унинг ишини назорат қилиб туришни уқдиради. Бунинг ишимизга катта ёрдам бериб келаётганини тажрибала кўрмоқдамиз.

Ёллама қишлоқ советининг пахталаи юқори ҳосил олганлигига яна бир сабаб шуки, қишлоқ советидаги активлар, айниқса коммунистларнинг ёрдами блан ҳукуматимизнинг пахтачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорини колхозчиларга яхшилаб тушинтирдик. Колхоз идоралари май ойидан ноябрь ойигача марказий штабга айлантирилиб, дала шийпонларига кўчирилди. Колхозчилар далада ётиб ишладилар. Колхозлардаги ҳарбир бригадага қишлоқ совети депутатлари ва активларни йил охиригача мас'ул қилиб беркитдик.

Колхозларимиз пахтадан юқори ҳосил олиш натижасида даромадлари анча кўпайиб, колхозчилар давлатли-маданий турмуш эгаси бўлдилар. «Политотдел» колхози топширган пахтаси учун давлатдан 155 тонна галла олди. Бу эса колхозлаги 80 хўжалиққа салкам 2 тоннадан тўғри келади. Колхозчилар ҳар меҳнат кунига 2 килограммдан галла, 20 сўмдан пул оладилар. Пахта учун олинган 18 минг метр газлама ҳарбир хўжалиққа 220 метрдан тўғри келади.

Қишлоқда оболончилик ишлари ҳам тез ривожланмоқда. Сталин ва Юсупов номли колхозлар ўтган йил электрлаштирилди. Ҳамма колхозлар 5—10 гектардан янги боғлар қилдилар. Қишлоқ советида 4 километр йўлга шағал тўкилди. 1946 йилнинг ўзида 50-60 лаб колхозчи янги уйлар солиб кўчиб кирди. Қишлоқ советида қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари бўйича ҳамма давлат мажбуриятлари тўла бажарилди.

Ёллама қишлоқ совети 1947 йилда 900 гектардан ортиқ ерга чигит экади. Биз бу йил гектаридан энг камида 35 центнер ҳосил олиш учун курашмоқдамиз. Колхозларимиз ма'ланд ўгитларни батамом ташиб олдилар. Ҳозир ёпиқсиз далага ғўнг чиқариш ва ариқларни тозалаш блан шуғулланмоқдалар. Ҳамма қишлоқ хўжалик асбоблари ремонт қилиниб, яхшилаб сақланмоқда.

7 февральда очилажақ Ўзбекистон илғор пахтакорларининг IV қурултойи республикамизда пахта ҳосилини кескин равишда ошириш учун ўзининг йўл-йўриқларини қолдиради. Қишлоқ советимизнинг пахтакорлари ўтган йилги ютуқларидан қурултой олдида ҳисоб берар эканлар, 1947 йилги катта вазифаларни муваффақият блан бажаришга қодир эканликларини далил айта оладилар.

Муҳаммадали ИСМОИЛОВ.

Тошкент область, Чиноз район, Ёллама қишлоқ советининг раиси.

Қурултой залидан

Свердлов театри биноси Ўзбек халқи ҳаётида улуғвор ўзгаришлар вужудга келтирган жуда кўп тарихий воқеаларнинг гувоҳидир. Шу кунларда бу улуғ даргоҳга Ўзбекистон комсомолининг гуллари тўпланган.

Мажлислар ўртасида бўладиган танаффусларда театр фойеида комсомолнинг шонли фарзандлари блан яхшироқ ошна бўласиз.

Биз қурултой туфайли бир-бири блан дўстлашган икки қизнинг суҳбатида бўлдик. Узоқ Боботог пистазорларя этакларидан келган Нозик Бўриева тошкентлик отоқли ишчи қиз Унсуной Аҳмедованинг ҳикоясини мароқ блан тинглар эди.

— Бир йилда икки йиллик норма деярлигизми, — дугона?

Нозикой машинасозлик заводининг қанча-қанча темирларни ҳамирдек ёзиб ундан машинанинг муҳим бўлакларини ясаган токари Унсуной қараб тўймас эди.

— Сизнинг ишингиз ҳам ҳарқанча қаҳрамонликдан кам эмаску, деди Унсуной, — 84 центнер ипак пахта етиштиргунча жазирама саратон кунларида озмунча тер тўкдингизми!

Икки қизнинг ана шундай самимий суҳбатлари тез-тез турли мавзу'ларга кўчар, улар қисқа вақт ичида Сурхондар'ё қизлари кийдиган қўйнаклар, бу ернинг барча расм-одатлари, кечагина экскурсияга борганда уларни ҳайратда қолдирган ёшгина тўқучи қиз Шукранинг 48 станоги, академик театримизнинг хашаматли биноси ҳақида сўзлашиб турдилар.

— Қани, бизнинг Шерободга борсангиз, узоқ-узоқ гаплашсак, бизда шундай қизлар борки, улар блан бирга ишлаб қанча ишласанг ҳам чарчаганингни сезмайсан.

Қизлар суҳбатини йигитларнинг қаҳқаси бўлди. Улардан сал нарида бир йигит завқ блан сўзлар эди. Кулги овозидан кейин у биз томонга қайриліб қараганда, кўкрагидаги шараф юлдузлари Ильич чироғлари нурида ярқираб кетди. Биз йигитни дарҳол таниндик. Бу, Ватан уруши фронтларида фашист газандаларнинг офати бўлган Совет Иттифоқи Қаҳрамони Алексей Қурбонов эди

Биз иккинчи танаффус вақтида бир гуруҳ самарқандли вакиллар орасида бўлдик. Улар ўзларига Ўзкитобнинг кўчма дўконидан ҳархил китоб олган эдилар. Уларнинг қўлларида улуғ лоҳийларимиз Ленин ва Сталининг асарлари, ВКП(б) тарихи қисқа курси, «Дипломатия тарихи», Алексей Толстой, Михаил Шолохов, Ғафур Ғулом, Ойбек ва бошқа совет ёзувчиларининг янги китоблари ва яна кўп катта-кичик китоблар бор эди. Вакиллар қайтиб-қайтиб, китоб сотаётган кишилар олдига борар, янги-янги адабиётларни сўрар, пойтахтдан уйларига кўпроқ китоблар олиб кетишга ҳаракат қилар эдилар.

Ёшларимизда билимга, китобга муҳаббат қанчалик кучли! Комсомол—ўқиш, ўрганиш мактаби. Партиямизнинг ғоявий-сиёсий ва мафкуравий соҳадаги ишларни яхшилаш тўғрисидаги қарорларидан кейин комсомол ва ёшларда ғоявий-назарий билимини оширишга ҳавас ва интилиш яна ҳам кучайиб кетди.

Хатирчи районидан келган Аҳолат Саноқулова қўлидаги «Ёшлигим» қўшиғи китобчасидаги «Ёшлигим — ёшлигим» сўзларини баланд овоз блан ўқиди, атрофга шод чеҳра блан қарали.

— Бундан 6 йил илгари хулли мана шу биноза сиялар сингари йигит-қизлар блан қаттиқ-қаттиқ кулиб гурунглашганим эсимга тушди. Ўшанда комсомолнинг X қурултойи бўлаётган эди. Ўтган йилларни кўз олдимизга келтирайлик. Тарихий йиллар! Ўшанда биз қурултой залида баланд руҳ блан шиғри келажагимизнинг режаларини тузиб, ўша йилнинг ёзида тинч ва осойишта меҳнатимиз блан етиштирган меваларимиз гарқ пишган бир пайтда уруш бошланди. Совет ёшлари Ватан мулофаасига отландилар, лаҳиясиз Ватанимизнинг шон-шавкатини сақлаб қолиш учун фронтда ва мамлакат ичкарисида қаҳрамонона курашдилар, меҳнат қилдилар. Уруш бизнинг галабамиз блан тамом бўлди. Мана биз ғолиб кишилар яна шу ерамиз. Қанча-қанча нотаниш йигит ва қизлар, уларнинг кўкракларидаги орденларга қаранг. Буларнинг ҳаммаси Ленин-Сталин комсомоли шон-шарафининг символидир. Дуч'ёда совет ёшларидек бахтиёр ёш йўқ.

Вакилларнинг суҳбатига қанчалик яқинроқ аралашсангиз, Ленин-Сталин комсомолининг улуғворлиги шунчалик равшанроқ намоён бўлади. Комсомолга шарафлар бўлсин, дейсан киши беихтиёр.

М. ЭЛМУРОДОВ.
Х. ТУРАЕВ.

КОММУНИСТЛАР БЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР СТАЛИНЧА БЛОКИНИНГ НОМЗОДЛАРИ УЧУН ЯКДИЛЛИК БЛАН ОВОЗ БЕРАМИЗ

Профессор Мирошхина

Бугун Ўрта Осиё давлат университетининг лекция залида алоҳида жонланиш... Чунки бугун САГУ фалсафа кафедрасининг мудири, профессор Наталья Митрофановна Мирошхина лекция ўқийди.

Мирошхинанинг ўзига хос лекция ўқиш услуби бор. Унинг содда, аниқ жумлалари ҳарбир тингловчининг тушинчасига бориб етади. Мирошхинанинг тили содда, ҳарбир сўзи ма'ноли. Тингловчилар унинг сўзларини ҳузур қилиб эшитадилар. Наталья Митрофановна доҳий назариячилар, жамият ҳақидаги фаннинг буюк лиҳолқорлари Ленин ва Сталининг ғоялар хазинасини ўз шогирдларига етказади.

Наталья Митрофановна 49 ёшга кирган. Аммо, уни ҳеч ким кексайган демайди. Дарҳақиқат, ҳаётга бўлган қизиқиш, ишчанлик, халқ манфаатига хизмат қилиш иштиёқи одамни ҳеч қачон қаритмайди!

Ўртоқ Мирошхинанинг болалиги оғир меҳнат шароитида, машаққатлар блан ўтган. Чор ҳокимияти даврида яшаган балиқчи казак қизининг болалиги шодҳуррамлик блан ўтиши мумкинмиди! Наташа камбағал балиқчининг катта қизи эди. Наталья Митрофановна қашшоқ ҳаёт кечирганига қарамай, ўз қизининг илм олиши учун шароит яратиб берган ўз онасининг меҳрибонлигини ҳеч қачон унутмайди.

Мирошхина илм олишга интилди. Унинг бу интилиши ва маҳкам иродаси барча қийинчиликларни енгди. Наташа 16 ёшга кирганда ўз меҳнати блан яшай бошлади. У, Уралдаги мактабларда математикадан дарс берди. У вақтларда ўқиш жуда қийин эди. Давлат гимназиясида бўтиқ шароит ҳукм сурарди. Бу шароит ҳарқандай янги жонли фикрларни маҳв этарди. Илғор ёшлар севимли ёзучиларнинг, рус адибларининг китобларини ўқиб тарбияланардилар. Ёш Мирошхинада дун'ёқарашининг шаклланишида Максим Горькийнинг асарлари катта роль ўйнади. Ёш Мирошхина халққа хизмат қилишни орзу этди. У жонажон мамлакатга хизмат қилиш мақсадида, ўз дугоналари блан йиғилишиб, ҳар хил режалар тузди. Ёш қизлар қишлоқ ёки фабрика врачи бўлишни, халққа яқинроқ туришни, шу блан бечора халқнинг кулфатини енгиллаштиришни ўйладилар. Бу интилиш Наталья Мирошхинани табиёт фанларини эгаллашга ундади.

Буюк Октябрь социалистик революцияси халқ оммаси иҳоҳиётининг гулдабяшнаши учун катта имкониятлар яратиб берди. Совет халқи ўзининг янги социалистик экономикасинигина яратиб қолмай, шу блан бирга жамият ма'навий ҳаётининг мислсиз юксалиши учун ҳам шароит туғдирди.

Совет ҳокимияти тузилган биринчи кунлардан бошлаб Мирошхина янги мактаб қуриш ишига киришди, у зиёлилар орасида катта тарбиявий иш олиб борди. Ўртоқ Мирошхинадаги янги ҳаёт учун курашучиларнинг биринчи қаторларида бўлиш, ўзининг ҳаётини социалистик революция ишига бағишлаш истаги тобора кучайди. Ўртоқ Мирошхина 1922 йилда партия сафига кирди. Саратов шаҳрида партия маорифининг актив ходими бўлиб хизмат қилди.

Наталья Митрофановна 22 йилдан бери ўқитучилик қилади. У, диалектик ва тарихий материалиомдан дарс берати. Олий ўқув юртларида фалсафа ўқитучиси бўлиб ишлайди ва фалсафа кафедрасининг мудири бўлиб хизмат қилади. Ўртоқ Мирошхина кенг омма учун ҳам лекциялар ўқиб туради.

Наталья Митрофановна айниқса ўзбек миллий кадрларидан илмий ходимлар етиштиришда, талантли илмий ходимларга ғамхўрлик қилиб, уларни ўқитиш, ўргатишга айниқса зўр а'тибор қилади. САГУ нинг фалсафа кафедрасида Ўртоқ Мирошхина раҳбарлигида етишиб чиққан илмий кадрлар республикамизнинг олий ўқув юртларига марксизм-ленинизм асослари, фалсафа фанларидан дарс бермоқдалар, партия ва совет ташкилотларида раҳбар ўринларда ишламоқдалар.

Ўртоқ Мирошхина ўзининг чорак асрлик бутун онгли ҳаётини халқнқ тарбиялаш, халқнинг онгини ошириш каби олижаноб ва юксак вазифага бағишлади. У, Ўзбекистонда ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг зўр тантанасини кўрди ва бу тўғрида кўп мақолалар ёзди.

Улуғ Ватан уруши бошланганда, Ўртоқ Мирошхина ВЎК(б)П Марказий Комитети лекторлар группасига бошлиқ этиб та'йинланди. Ўртоқ Мирошхина республиканинг узоқ районларига борди, қизғин большевистик сўзи блан оммани фронтда ва мамлакат ичкарисида янги ғалабаларга эришишга рағбатлантирди.

Профессор Мирошхина ҳозир САГУ фалсафа кафедрасига раҳбарлик қилиш блан бирга, катта назарий асар устида ишламоқда, у: «Онгда илмий абстракциянинг характери ва роли тўғрисида марксчаленинча та'лимот» деган мавзу'да докторлик диссертацияси ёзмоқда.

СССР ҳукумати профессор Мирошхинанинг илмий-педагогика ва ижтимоий фаолиятига юксак баҳо берди. У, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» ордени блан ҳамда «Улуғ Ватан уруши йилларида қилган шавкатли меҳнати учун» медали блан мукофотланди.

Тошкент шаҳар Гвардейск сайлов округининг меҳнаткашлари Наталья Митрофановна Мирошхинани Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Ирина ГУРО.

Ўртоқ Сталинга раҳмат

Бўка район марказидаги клуб биносига мингдан ортиқ сайловчи тўпланди. ЎзССР Олий Совети депутатлигига Тошкент область Бўка сайлов округида номзоди рўйхатга олинган ўртоқ Ёдгор Алиқулова блан сайловчиларнинг учрашув йиғилишини округ сайлов комиссиясининг раиси Ўртоқ Усмондиёров очади.

Ишончли вакил Ўртоқ Эшмуҳамедов депутатликка номзод бўлган ўртоқ Алиқулованинг таржимаий ҳоли, пахтадан юқори ҳосил олишдаги тажрибалари ҳақида муфассал сўзлаб беради.

Пиллачилик звеносининг бошлиғи Бойматова сўзга чиқиб, шундай дейди:

— Ёдгор Алиқулова бошлиқ бўлган звено Улуғ Ватан уруши бошланган 1941 йилда уруш қийинчиликларига қарамай ҳар гектар ердан 25 центнер пахта ҳосили берди. Ўтган 1946 йилда Алиқулова звеноси давлатга 7.280 килограмм пахта топширди. Ўша йили Ёдгоройнинг бир ўзи 571 меҳнат куни ишлади. Биз республикамиз Олий Совети депутатлигига муносиб номзод бўлган Ёдгор Алиқулова учун якдил бўлиб овоз берамиз.

Шундан сўнг сайловчилардан Афанасьев сўзга чиқади. У, тракторчи бўлиб ишлаган вақтидан буён Алиқуловани жуда яхши билганини, унинг меҳнатсевар қиз эканини гапириб, ўртоқ Алиқулова учун овоз беражагини айтди.

Ўртоқ Ёдгор Алиқулова ишонч билдиргаларни учун сайловчиларга миннатдорлик изҳор қилади.

— Фақат бизнинг мамлакатимизда,— дейди ўртоқ Алиқулова,—Сталин Конституцияси қуёши остида хотин-қизлар сайлаш ва Олий Советга депутат бўлиб сайланиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бизни бундай бахтга эриштирган Улуғ Сталинга раҳмат!

Стахановчи тикучи

Тошкент шаҳар Ленин сайлов округининг 7-нчи участкаси жойлашган Тикучилар маданият саройига 700 дан ошиқроқ сайловчи тўпланди. Улар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига Ленин сайлов округидан номзоди кўрсатилган Ўртоқ Пелагея Александровна Максимова блан учрашдилар.

Ленин сайлов округининг ишончли вакили Ўртоқ Толочинская мажлисни очиб, йиғилиш қатнашчиларига Ўртоқ Максимованинг иш фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

— Ўртоқ Максимова,—дейди ишончли вакил,—«Қизил тонг» тикучилик фабрикасида 10 йилдан буён ишлайди. Фабрика коллективи уни стахановчи ишчи, актив жамоатчи сифатида ҳурмат қилади. Ўртоқ Максимова тўртинчи бешйилликнинг биринчи йилида икки йиллик планни бажаришга эришди. Мен барча сайловчиларни муносиб номзодимиз бўлган Ўртоқ Максимова учун овоз беришга чақираман.

Сайловчилар минбарда пайдо бўлган ўз номзодларини қизғин қарши оладилар. Ўртоқ Максимова ўзига нисбатан билдирилган юксак ишонч учун сайловчиларга ташаккур изҳор қилади ва уларнинг ишончига муносиб ишлашга сўз беради.

Сўзга чиққан ўртоқ Элизарова ўртоқ Максимова номзоди учун овоз беражагини айтиб, барча сайловчиларни муносиб номзод учун якдиллик блан овоз беришга чақирди.

Узбек халқининг содиқ фарзанди

Андижон шаҳар темир йўл сайлов округи сайловчилари ўз номзодлари Ўртоқ Абдураззоқ Мавлонов блан учрашдилар. Темирйўлчилар клуби ЎзССР Олий Совети депутатлигига Ўртоқ Мавлонов номзодини кўрсатган корхона ва ташкилотларнинг вакиллари, сайловчилар блан лиқ тўлган эди.

Йиғилишни округ бўйича ишончли вакил, Володарский номли тикув фабрикасининг директори Ўртоқ Коган очади. Ўртоқ Коган депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинган ўртоқ Мавлоновнинг иш фаолияти, республикада пахтачиликни юксалтириш ишига қўшган ҳиссаси, Андижон областида пахта ҳосилини оширишдаги хизматлари ҳақида муфассал сўзлайди. Шу блан бирга ўртоқ Коган сайловчиларни ўзбек халқининг содиқ фарзанди, коммунистлар блан партиясизлар Сталинча блокининг муносиб номзоди Ўртоқ Абдураззоқ Мавлонов учун овоз беришга чақиради.

Минбарга депутатликка номзод бўлган Ўртоқ Мавлонов кўтарилар экан, сайловчилар уни қизғин қарши оладилар.

— Мени,—дейди ўртоқ Мавлонов,— ЎзССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганларингиз учун сизларга чин қалбимдан ташаккур изҳор қиламан. Шу блан бирга большевиклар партиясининг а'зоси бўлганим ҳолда, Ватанимизнинг ва унинг ажралмас қисми Ўзбекистонимизнинг янада яшнаб-гуллаши учун куч ва қувватимни аямай хизмат қиламан.

Сўзга чиққан тикув фабрикасининг стахановчиси Чичинева фабрикада сайлов шарафига бошланган мусобақа яхши натижалар бераётгани ҳақида сўзлайди. Фабрика январьнинг 20 кунлик планини 115 процент бажарди. Кўплаб илғор бригадалар сайлов шарафига стахановча вахтада туриб ишламоқда.

Сўзга чиққан 65 яшар сайловчи Ишченко, Курбатов, Зайцева ва бошқа ўртоқлар ЎзССР Олий Советига сайлов куни — 16 февральда коммунистлар блан партиясизлар Сталинча блокининг номзоди Ўртоқ Мавлонов учун овоз беражакларини айтиб, барча сайловчиларни Ўртоқ Мавлонов номзоди учун бир кишидек бўлиб овоз беришга чақирадилра.

Генерал Уранов

Округ офицерлар уйининг театр залига Тошкент шаҳар Шербаков сайлов округининг сайловчилари тўпландилар. Улар шу округда ЎзССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган Туркистон Ҳарбий Округи Ҳарбий Советининг а'зоси генерал-лейтенант Владимир Иванович Уранов блан учрашишга тўпланган эдилар.

Ишончли вакил майор Ўртоқ Клименко Ўртоқ Урановнинг ҳаёт йўллари блан сайловчиларни таништиради. У, шундай дейди:

— Тошкент шаҳар Шербаков сайлов округида республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган Владимир Иванович Уранов совет армиясида қариб 28 йилдан буён хизмат қилиб келади. У, олдий солдатдан генерал-лейтенант унвонигача ўсиб етишди, ҳозир Туркистон Ҳарбий Округи Ҳарбий Советининг а'зосидир. Ўртоқ Уранов Ватан олдидаги хизматлари учун Совет Иттифоқининг 7 ордени ва 3 медали блан мукофотланган. Мен ишончли вакил сифатида барча сайловчиларни совет халқининг ва большевиклар партиясининг содиқ фарзанди, муносиб номзодимиз Владимир Иванович Уранов учун якдиллик блан овоз беришга чақираман.

Сўзга чиққан СоюзНИХИнинг илмий ходими Ўртоқ Мирпўлатова халқимизнинг Совет Армиясига нисбатан бўлган муҳаббати ҳақида сўзлайди.

— Мен, — дейди ўртоқ Мирпўлатова, — ўртоқ Уранов номзоди учун қувонақувона овоз бераман ва барча сайловчиларни ҳам бу муносиб номзод учун овоз беришга чақираман.

Сайловчилардан Виленкин, Ғойибназаров, Косицина, ЎзК(б)П Киров район комитетининг секретари Қодиров ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, ўртоқ Уранов номзоди учун якдиллик блан овоз беражакларини айтадилар.

Сўзга чиққан ўртоқ Уранов ўзига нисбатан билдирилган ишонч учун сайловчиларга миннатдорлик изҳор қилади.

Темир йўл транспортининг кекса ходими

Тошкент шаҳар Биринчи май сайлов округида ЎзССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган Ўртоқ А. Ф. Макаров ўз сайловчилари блан учрашди.

Учрашув йиғилишини очган ишончли вакил темир йўлнинг кекса ходими Ўртоқ Донец сайловчиларга депутатликка номзоди рўйхатга олинган Алексей Семёнович Макаровнинг ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб берди.

— Ўртоқ Макаров,—дейди ишончли вакил,—11 ёшдан буён темир йўл транспортида ишлайди. 1905 йил революция сп 23 яшар Макаровни кураш йўлига бошлади. У Чорқўй депоси ишчиларининг ишташловида фаол қатнашди. 1917 йилдан буён большевиклар партиясининг а'зоси бўлган Ўртоқ Макаров босмачиларга қарши курашларда интирок этди. Граждан уруши йилларида Ўртоқ Макаров тафтиш комиссиясининг раиси бўлиб ишлади.

1929 йилдан бери Ўртоқ Макаров Л. М. Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводида ишлаб келади. Кейинги вақтларда у, заводнинг йиллирак цехида станокларни ростловчи бўлиб ишлади. Завод коллективи депутатликка Ўртоқ Макаров номзодини кўрсатиб, унга нисбатан катта ишонч билдирди. Биз, 16 февраль куни кекса большевик, муносиб номзод Ўртоқ Макаров учун бир кишидек бўлиб овоз берамиз.

Сайловчилар сўзга чиққан завод ходимлари Попов, Платонов, Цицарин, Йўллар министрлигининг ходими Лашкевич Ўртоқларнинг сўзларини қизғин блан тингладилар. Нотиқлар коммунистлар блан партиясизлар Сталинча блокининг номзоди Макаров учун овоз беражакларини айтиб, барча сайловчиларни ҳам муносиб номзод учун овоз беришга чақирдилар.

Сўзга чиққан Ўртоқ Макаров сайловчиларнинг ишончига лойиқ меҳнат қилажагини айтди.

Ҳурматга лойиқ номзод

Тошкент Сталин сайлов округининг 3-нчи, 5-нчи, 6-нчи сайлов участкаларидаги сайловчилар 145-нчи ўрта мактаб биносига ўз номзодлари профессор Антонина Алексеевна Шорохова блан учрашиш учун тўпландилар.

Йиғилишни ишончли вакил Ўртоқ Отабеков очди. У Ўртоқ Шороховaнинг таржимаий ҳоли ва иш фаолияти ҳақида гапириб берди:

— Ўртоқ Антонина Шороховaнинг номи ҳаммамиз учун таниш ва севимли номдир, — деди — Ўртоқ Отабеков, — Ўртоқ Шорохова 30 йилдан бери ўзининг бутун куч ва билимини Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ишларига бағишлаб келаётир. У, 20 йилдан бери Ўзбекистон врачларининг илмий ташкилотига раҳбарлик қилади. Унинг раҳбарлигида етишган шогирдларидан 22 таси медицина соҳасида илмий асарлар ёздилар. Ўзбекистонда рак касалига қарши кураш Ўртоқ Шороховaнинг илмий ишлари блан боғланди. Шунинг учун ҳам ЎзССР Олий Совети Президиуми профессор Шороховага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонини берди.

Йиғилишда сўзлаган Иброҳимов, Жалилов, Мелестр ва Халилов Ўртоқлар ҳам профессор Шорохова учун овоз беражакларини айтдилар, ҳамма сайловчиларни якдиллик блан овоз беришга чақирдилар.

Йиғилишда Ўртоқ Шорохова сайловчиларнинг ўзига нисбатан кўрсаттан ҳурмат ва ишончлари учун ташаккур билдирди.

Машҳур соҳибкор

Ўртоқ Ризамат Мусамуҳаммедовни республикамизнинг колхозчилари, айниқса боғбонлар яхши танийдилар, унинг узумдан мўл ҳосил олишдаги бой тажрибаларини ўрганадилар. Тошкент Қишлоқ районининг меҳнаткашлари халқимиз ичидан етишган тажрибали соҳибқорни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига Тошкент область Назарбек сайлов округидан номзод қилиб кўрсатган эдилар.

Яқинда «Большевик» колхозининг клубида сайловчиларнинг ўз номзодлари Ўртоқ Ризамат Мусамуҳаммедов блан учрашув йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисда ишончли вакил Ўртоқ Са'дулла Ражабов сайловчиларни Ўртоқ Мусамуҳаммедовнинг таржимаий ҳоли, халқимиз учун қилган кўп йиллик хизматлари блан таништирди.

Минбарга 1-нчи МТСнинг бригада механиги Ўртоқ Қодир Еқубов чиқади. У, муносиб номзод Ўртоқ Мусамуҳаммедовнинг эллик йиллик фаолиятини гапириб, Ўртоқ Мусамуҳаммедов учун овоз беражагини айтди. Шу блан бирга Ўртоқ Еқубов сайлов шарафига 10 февральгача ўз бригадасида трактор ремонтини тамомлашга ва'да берди.

91 яшар сайловчи Иногом отанинг сўзини йиғилиш қатнашчилари диққат блан тингладилар.

— Мен 91 ёшга кириб, кўп сайловларни кўрганман, — дейди Иногом ота,— аммо ҳозиргидай эркин сайловни совет замонасидагина кўраётирмиз. Бундай эркин ҳуқуқни бизга ҳоҳиймиз, халқларнинг доно раҳбари улуғ Сталин берди. Кексайган чоғимда халқимиз ичидан чиққан Ризамат каби асл фарзанда овоз беришга муяссар бўлганим учун бахтиёрман. Мен ўғлим Ризамат учун ҳамма сайловчининг якдиллик блан овоз беришига ишонаман.

Иногом ота Ўртоқ Ризамат Мусамуҳаммедовни ёнига чақириб, унинг қўлини қаттиқ қисиб кўришади.

Минбарга Ўртоқ Ризамат Мусамуҳаммедов кўтарилар экан, сайловчилар уни самимий кутиб оладилар. Ўртоқ Мусамуҳаммедов сайловчиларнинг буюк ишончига лойиқ ишлашга чин қалбидан ва'да беради.

Мардларга мададкор

Ҳалима Юнусова 1920 йилда Тошкент шаҳрида косиб-сарроч оиласида туғилди. У, урушгача уй-рўзғор иши блан шуғулланди. Улуғ Ватан урушининг биринчи кунларида унинг эри фронтга кетди. Бу кунлар — совет халқи ёвуз душманга қарши ҳаёт-мамот жангларга олиб борган кунлар эди.

Ҳалиманинг эри қаҳрамон Сталинград остонасида мардларча ҳалок бўлди. Юнусова учун бу оғир мусибат эди. Лекин, қадрдон йўлдошидан жудо бўлган Ҳалима бу блан ўзини йўқотмади. У, ҳалол меҳнат душманга қаттиқ зарба бўлишини яхши тушунди. У, матбаачи эрининг ўрнига Тошкентдаги 1-нчи босмахонага ишга кирди.

Қаллиғининг дўстлари Ҳалиманинг бу ташаббусини қўллаб-қўлтиқлаларда унга қўлларидан келган ёрдамини аямадилар.

Ҳалима Юнусова аввал оддий ишларни бажарди. Кейинчалик матбаачилик ихтиосини тўла эгаллаб олди. Унинг зийраклигига ва меҳнатсеварлигига босмахона ишчилари қойил қоладилар.

Саррочнинг қизи, уй-рўзғор ишидан четга чиқмаган Ҳалима Юнусова ишлабчиқаришнинг илғор кишиси бўлиб танилди. Босмахона ишчилари Ҳалима Юнусовани севадилар. Мастерлар уни бошқа ишчиларга намуна қилиб кўрсатадилар.

Ҳалима Юнусова илғор стахановчиларнинг, у социалистик мусобақада ҳар доим биринчи ўринни олиб келади. Ўртоқ Юнусова Улуғ Ватан уруши кунларида ойлик топшириқларни 200 процентгача етказиб бажарар эди. Ҳозирда ҳам у, ана шундай сур'ат блан ишламоқда.

Ҳалол меҳнат рўзғор иши блан банд бўлган бу жувонни социалистик корхонанинг илғор кишиси даражасига кўтарди.

Ҳалима Юнусова совет замонида туғилиб, вояга етган миллионларча кишиларнинг биридир.

Ҳалима, мамлакатимиз халқлари бошига оғир мусибат тушган кунларда меҳнат соҳасида ўзини бир жангчи деб билиб, ҳормай, толмай ишлади. Меҳнатсевар Ҳалима Юнусова ЎзССР Олий Совети депутатлигига 26-нчи Ленин сайлов округидан номзод қилиб рўйхатга олинди.

Ўртоқ Ҳалима Юнусова ватан ва халқ ишончини ҳалол меҳнат блан оқлай олишига ишонамиз. Сайлов куни унинг номзоди учун ҳамжиҳат бўлиб овоз берамиз.

Ғ. МИРҲАМИДОВ.
1-нчи босмахона директори.
К. ЧУРСИН
Муқова цехининг бошлиғи.
С. ОРИПОВА
Муқова цехининг стахановчиси.

Халқ ишончига сазовор бўлган қиз

Ҳарбир совет граждани ўқиб, ўрганиб ўзи севган бирор касбнинг мутахассиси бўлишга қизиқади. У, ўзининг ана шу севган касбининг устаси бўлиш ва шундан сўнг азиз ватанимизга ихлос блан ишлашни ўз бурчи деб билади. Улуғ Ватан уруши бошланган кезларда эндигина 18 ёшга тўлган Қумрихон Қамбарова Маргилон шаҳридаги ипакчилик комбинатига кириб ишлай бошлайди. У, орадан кўп вақт ўтмай оддий ишчиликдан учта пилла қозонини бошқаручи моҳир пиллакашлар қаторидан жой олади.

Узбек халқининг меҳнатсевар қизи Қумрихон Қамбарова қозонда қайнаб турган пилладан эпчиллик блан ипак торгар ва берилган топшириқни икки-уч ҳисса ошириб бажарар эди. Меҳнатга муҳаббат қўйган Қумрихоннинг номини комбинат ишчилари ҳурмат блан тилга оладилар.

— Ипакни кўпроқ ва сифатли қилиб ишлаб чиқарсак,—дер эди у, ўз дугоналарига,— давлатимизнинг иқтисодий ва ҳарбий қувватини янада оширган бўламиз.

Илғор ишчи ва актив жамоатчи Қумрихон Қамбарова 1943 йилда цех инструктори қилиб кўтарилади. У энди фақат ўзининггина планини бажариш учун эмас, балки бутун бир бригаданинг ишлабчиқариш топшириғини ошириб бажариш йўлида чидам блан ишлай бошлайди. Қумрихон бошлиқ бўлган цех берилган топшириқни ҳамма вақт ошириб блан бажариб келади.

Камбағал деҳқон Қамбар аканинг қизи Қумрихонни Маргилон шаҳрининг меҳнаткашлари танийди ва уни ҳурмат қиладилар.

Халқ ўзининг моҳир қизига юксак ишонч билдириб, уни Маргилон шаҳар Сталин сайлов округида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

С. МАҲКАМОВ.

Комсомол тарбиялаган раҳбар ходим

Бухоро шаҳар Ленин сайлов округининг 1-нчи участкасидаги сайловчилар Ўзбекистон ССР Олий Советига номзод қилиб рўйхатга олинган ўртоқ Ҳожи Мирҳўжаев блан учрашиш учун тўпландилар. Йиғилишда биринчи бўлиб пиллакашлик фабрикасининг цех бошлиғи ўртоқ Қодир Зокиров сўзга чиқди.

— Ўртоқ Мирҳўжаев,—дейди нотиқ,— комсомол тарбиялаб етиштирган ходимлардан бири. У, 1924 йилдан 1935 йилгача комсомолнинг раҳбарлик ўринларида ишлади. Шундан сўнг ўртоқ Мирҳўжаев Москвадаги биноқорлик институтида ўқиб, биноқорлик инженери бўлиб етишди. Ҳозир ўртоқ Мирҳўжаев Бухоро шаҳар совети ижроия комитетининг раиси бўлиб ишламоқда.

16-нчи партия съезди номли тикучилик фабрикасининг техника раҳбари А. Б. Соколов, фабрика ишчиси Муҳаббат Маҳмудова ўртоқлар ўртоқ Мирҳўжаевнинг шаҳарни обод қилиш соҳасидаги хизматлари ҳақида гапириб, барча сайловчиларни ўртоқ Мирҳўжаев номзоди учун якдиллик блан овоз беришга чақирдилар.

Йиғилишда ўртоқ Мирҳўжаев сўзга чиқиб, бундай деди:

— Менга нисбатан кўрсатган бу ишончларингиз учун беҳисоб хурсандмаман. Бунга жавобан мен куч ва қувватимни аямай меҳнат қилишга сўз бераман.

Сайловчилар рўйхатидаги хато ва камчиликлар тезда тугатилсин

САМАРҚАНД

Самарқанд шаҳар совети ва район ижроия комитетларининг раҳбар ходимлари сайловчиларнинг рўйхатини тузишга ўтакеттан мас'улиятсизлик блан қарашлари орқасида, кўп участкаларда рўйхатлар кечикиб, чалакам чатти тузилди.

Сиёб районида (райижроком раиси Ўртоқ Шарофиддинов) сайловчилар рўйхатини тузишга жиддий э'тибор берилмай, бу муҳим вазифа иккинчи даражадаги ходимларга топшириб қўйилди. Натижада фақат биргина 210-нчи сонли Панжакент сайлов округига қарашли маҳаллада 700 дан кўпроқ сайловчи рўйхатга кирмасдан қолган. Ўнлаб сайловчининг фамилияси ва исми нотўғри ёзилган. Бундай фактлар Сиёб районидаги бошқа округларга қарашли участкаларда ҳам кўплаб топилади.

Боғишамол район ижроия комитетининг раҳбарлари ҳам сайловчилар рўйхатини тузишга мас'улиятсизлик блан қарамоқдалар. Бу ерда сайловчиларни рўйхатга олинганда, кўпларининг исми ва фамилияси нотўғри ёзилган Масалан, шаҳарнинг Охунбобоев кўчасидаги 60-нчи ҳовлида Сомов, Пономаренколарга ўхшаган ўнлаб сайловчи рўйхатга киргизилмаган.

Шаумян сайлов округининг 5-нчи участкасида, Марказий округнинг 3-нчи ва 4-нчи участкасида, Университет округининг 1 ва 2-нчи участкаларидаги рўйхатларда ҳам кўп кишиларнинг фамилиялари нотўғри ёзилган. Бирнеча киши рўйхатдан тушиб қолган. Шаумян округининг 1-нчи участкасига қарашли кўчаларнинг бирида яшовчи Боғишамол райижрокомининг раиси Ўртоқ Егоровнинг ўзи ҳам сайлов рўйхатига ёзилмай қолган.

Темир йўл районидаги 9-нчи сонли участкада 350 сайловчидан 150 тасининг исм-фамилиялари нотўғри ёзилганлиги аниқланди. Бу райондаги Чинбой кўчасида ҳамда Жарариқ кўчасининг икки тор кўчасида яшовчи сайловчилар бутунлай рўйхатга киргизилмаган.

Район ижроия комитетлари сайловчилар рўйхатини тузишдаги бундай хатоликларни тезда тугатмоқлари лозим.

Ғ. АШУРОВ.

ТОШКЕНТ

Шаҳардаги ба'зи сайлов округларига қарашли участкаларда сайловчиларнинг рўйхатларини тузишга бепарволарча қаралган. Бу участкаларда бўйи халқ 18 га етмаган кишиларни сайловчилар рўйхатига киритиш, сайловчиларнинг исм, фамилияларини нотўғри ёзиш, ёки уларни рўйхатдан тушириб қолдириш ҳоллари учратиш мумкин.

Димитров сайлов округида ҳунар-техника мактаби ўқувчиларидан ёшлари 18 га етмаган 200 киши рўйхатга киритилган. Ана шу округда сайловчиларнинг рўйхатини тузишда уларнинг номларини тушириб қолдириш, нотўғри ёзиш ҳоллариниҳам учратиш мумкин. 10-нчи Урицкий сайлов округининг 6-нчи участкасида 843 сайловчи рўйхатга киритилмай қолган. 13-нчи Марказий сайлов округининг 1-нчи участкасида эса Толстой кўчасидаги 1-нчи уйда яшовчи сайловчилар рўйхатга киргмаган.

Тошкент шаҳрининг Фрунзе ва Ленин районларидаги сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхатларини тузишга жуда бепарво қаралган. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети сайловчиларнинг рўйхатини тузишдаги хато ва камчиликларга йўл қўйганлари учун Фрунзе район ижроия комитетининг раҳбарларини огоҳлантириб ўтган эди. Шундай бўлишига қарамай, бу районда ҳамон аҳвол ўзгарган эмас.

Хавфсизлик кенгашида

НЬЮ-ЙОРК, 29 январь (ТАСС). Кеча эрталаб Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисда Корфу бўғозида юз берган ҳодиса муносабати блан Англиянинг Албания устидан берган шикоятини кўриш тартиби муҳокама қилинди.

Раис Мэйкен (Австралия) мажлисни очиб, Хавфсизлик Кенгашининг Албания ҳукуматига Кенгаш мажлисида қатнашиш учун вакил юбориш тўғрисидаги (бу вакил овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди) таклифини ва Албания бош министри Анвар Хўжанинг жавобини ўқиб эшитдирди. Бош министр Анвар Хўжа бу таклифни қабул қилганлигини ва транспорт қийинчилиги сабабли, Албания вакилининг қачон бориб етишини аниқ айтиш мумкин бўлмаганлигини билдирди.

Англия вакили Кадоган, Кенгаш Албания ҳукуматига яна мурожаат қилиб, ундан Албания вакили келадиган кунни таҳминан бўлса ҳам, кўрсатишни илтимос қилсин, деб таклиф этди.

Совет Иттифоқи вакили Громико, Албания ҳукумати зарур чораларни кўраётганлигини хабар қилганлиги сабабли, Албания ҳукуматига яна мурожаат қилишнинг ҳожати йўқ, деди.

Бирмунча музокарадан кейин Польша вакили Ланге, Албания ҳукуматига мурожаат қилиш ва келгуси мажлис кунини белгилаш масалаларини раис ўзи ҳал қилсин, деб таклиф этди. Кенгаш Лангенинг таклифини якдиллик блан ма'қуллади. Шу блан мажлис ёпилди.

ЮГОСЛАВИЯ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 28 январь (ТАСС). Бирлашган миллатлар ташкилотининг матбуот бюроси қуйидаги хабарни э'лон қилди: Бирлашган миллатлар ташкилотининг секретариати Югославия ҳукуматининг шикоят мактубини олди. Мактубда айтилишича, Греция ҳукумати Грециянинг шимолий чегарасида юз берган аҳволни текшириш учун Хавфсизлик Кенгаши томонидан тузилган комиссиянинг мажлисларида иштирок қилиши лозим бўлган Югославия вакилига ва унинг блан бирга боручи кишиларга Грецияга келиш учун 27 январьда яна рухсат бермаган. Комиссиянинг мажлислари, қабул қилинган планга мувофиқ, 30 январьда Афинада бошланиши керак. Бош секретарьнинг Хавфсизлик Кенгашига доир масалалар блан шуғулланучи ёрдамчиси Соболев Югославиянинг шикоятини Греция ҳукуматига юбориб, ундан «зарур бўлган ҳамма чораларни кўришни» сўради.

Польша сеймига сайловдан кейин

ВАРШАВА, 29 январь (ТАСС). Ҳозирги кунда Польшанинг ички сиёсий ҳаётида икки асосий воқиа, чунончи сеймга сайловда демократик партиялар ва касаба союзлари блокининг ғалаба қозониши ва сеймнинг биринчи сессияси яқинлашиб қолиши энг муҳим ўринни тутади.

Гарчи сайловдан буён 9 кун ўтса ҳам, шаҳар ва қишлоқларда ҳали ҳам сайловда демократик партиялар блокининг ғалаба қозонганлигига бағишланган митинг ва йиғилишлар ўтказилмоқда. Йиғилишларда депутатлар учун топшириқ бўладиган истаклар билдирилмоқда. Бу истаклар Польша демократиясининг ғалабаларини ҳимоя қилишни, мамлакатнинг мустақиллигини ажнабий доиралар, я'ни Польшани ўз ҳоҳишларига бўйсундирмоқчи бўлган чет эл доираларининг мудохаласидан қаттиқ қўриқлашни, мамлакатни немислар тажовузи хавфидан амин қилишни, ғарбдаги ерларни мумкин қадар тезроқ ўзлаштириш ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни талаб қилишдан иборатдир.

Сайлов олдиланоқ Польша ҳукумати ва шахсан президент Берут сеймнинг немис босқинчилар хароб қилган биносини сеймнинг биринчи мажлисига қадар тиклаш вазифасини қўйган эди. Польша ишчилари бу топшириқни жуда қисқа муддатда бажардилар. Сейм биноси тамомила тикланди.

Сеймнинг биринчи сессияси арафасида сиёсий партиялар айниқса катта активлик кўрсатаётирлар.

Польша матбуот агентлигининг хабарига қараганда, ноябрь ойидаги келишув асосида сайлов даврида бир-бирлари блан муваффақиятли ҳамкорлик қилган Польша ишчилар партияси (ППР) блан Польша социалистлар партияси (ППС) ҳозирги вақтда сеймнинг яқинда чақириладиган сессиясида ўртага қўйиладиган масалаларни ўзаро мувофиқлаштирмоқдалар. Демократик партиялар блокига кирган тўртта сиёсий партия раҳбарларининг кенгаши чақирилади. Ма'лумки, демократик партиялар блоки фақат сайлов давридагина эмас, балки сайловдан кейин ҳам ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишга қарор берган эди.

«Стронництво праци» ва ПСЛ — «Ново визволене» партиялари сафида қизғин иш бормоқда.

Муайян гуруҳларнинг Миколайчик бошчилик қилган ПСЛ партиясидан чиқиб, «Стронництво праци» партиясига қўшилаётганлиги сезилмоқда.

Сайловда ПСЛнинг мағлубиятга учраганлиги ва кўп а'золар бу партиядан чиқиб кетаётганлиги сабабли партия раҳбарлари қийин аҳволга тушиб қолдилар. Польша матбуот агентлигининг хабарига қараганда, ПСЛ бош ижроия комитетининг икки кун давом этган кенгаши ҳозирги сиёсий аҳволга баҳо беришга ва партиянинг бундан кейинги ҳатти-ҳаракати масаласида ихтилоф чиққанлиги сабабли ҳеч қандай қарор қабул қилмаган, масалани ПСЛнинг 1 февральда чақириладиган бош кенгашига ҳавола қилган. Бош ижроия комитетида асосан Миколайчик блан унинг атрофидаги ПСЛ раҳбарлари ўртасида ихтилоф бўлган. Жумладан, ПСЛ бош ижроия комитетининг икки а'зоси — министрлардан Керник ва Випех «Хлопски спят» газетасида мақола босиб чиқардилар. Улар юз берган ҳозирги аҳволни таҳлил қилиб, деҳқонлар ҳаракатининг бирлиги масаласини ўртага қўймоқдалар. Бу тасодифий ҳол эмас. Мақола авторлари жумладан социалистлар блан коммунистларга муносабат масаласини қайталаш кўриб чиқишни тавсия қилмоқдалар.

Бош кенгаш мажлисида партия раиси Миколайчикнинг сиёсий доклади блан бир қаторда сиёсий қўшимча доклад ҳам бўлади. Бу, ПСЛ тарихида биринчи марта учраган факт бўлиб, партия ичидаги аҳволни яққол кўрсатади.

ПОЛЬШАДАГИ ЯШИРИН ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ

ВАРШАВА, 29 январь (ТАСС). Яқинда Краковдаги ресторанлардан бирида яширин террорчи ташкилотда а'зо бўлган тўртта студент 1-нчи бўлим милиция бошлиғининг ўринбосарини отиб ўлдирди ва милиция инспекторини қаттиқ ярадор қилди.

Газеталарнинг хабарига қараганда, Познаньда Польша ишчилар партияси ёшлар ташкилотининг («Ёш курашчилар союзи»нинг) кўзга кўринган арбоби ёвузларча ўлдирилган. Уни террорчи яширин ташкилот а'зоси бўлган бир гуруҳ гимназистлар ўлдирган. Бу гимназистлар орасила ПСЛ а'золари ҳам бор.

Бу террорчилик ҳодисалари Польшадаги кенг жамоат доираларини жуда ғазаблантирди. Террорчилар ўлдирган кишиларни дафн қилиш тор-мор келтирилган, лекин ҳали террорчилик ишини давом эттираётган яширин ташкилотларга қарши аҳолининг кучли намойишига айланиб кетди.

Ташқи ишлар министрлари кенгашидаги ўринбосарларнинг маслаҳат мажлисига доир

ЛОНДОН, 28 январь (ТАСС). Ма'лумки, 27 январьда Ташқи ишлар министрлар кенгашидаги ўринбосарларнинг мажлисида Польша вакили Вербловскийнинг баёноти тингланган эди. Вербловский Германия масаласи тўғрисида Польша ҳукуматининг фикрини муфассал ва аниқ баён қилиб берди. Ма'лумки, Польша вакили ўз нутқида Европада тинчлик ўрнатиш шартларидан бири Германияни тамомила демократлаштириш, уни қуролсизлантириш ва унинг ҳарбий кучларини битириш, шунингдек Германияни нацистлардан тамомила тозалаш эканлигини айтди.

Польша вакили ўз ҳукумати номидан гапириб, Германияни майда ўлкаларга ажратиб юбориш тўғрисидаги таклифларга қарши чиқди ва Германияни сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш фикрини ёқлади.

Газеталарда бугун баён қилинган фикрларга қараганда, Польша вакилининг нутқи инглиз газеталарига ёқмаганга ўхшайди. Кўпчилик газеталар, ҳатто Ташқи ишлар министрлари Кенгашидаги ўринбосарларнинг иши ҳақида оғатда муфассал ахборот бериб келган газеталар ҳам, 27 январьда бўлиб ўтган мажлислар кўз иммоқдалар ва Польша ҳукуматининг баёноти ҳақида бир сатр ҳам ёзмаётирлар.

Фақат «Таймс» газетасигина ўз дипломатия обзорчисининг қисқа бир хабарини босиб чиқарди. Лекин бу хабар Германиянинг сиёсий тузилиши масаласида Польша ҳукуматининг фикрини етарли аниқ тушинтириб бера олмайди. Масалан, «Таймс» газетасининг дипломатия обзорчиси, Польша вакили Германиянинг сиёсий бирлигини ёқлаб сўзлади, деб эслатиб ўтади, аммо Польша вакилининг далиллари тўғрисидаги ўз фикрини «лекин Пруссия тугатилиши керак» деган жумла блан тамомлайди. Бу жумла Польша вакилининг сўзини аниқ тушинтириб бермайди, балки уни бузиб кўрсатади. Бу—равшан.

Ма'лумки, Польша вакили Германияни деярлик мустақил бўлган бирқанча ўлкаларга ажратишга уриниш—тарих гилдирагини тескари буришга уриниш бўлур эди деган эди. Бундай уриниш пангерманизм, ўтакетган миллатчилик ва урушқоқлик майдларининг авж олишига сабаб бўлур эди, халос. Бундан ташқари, майда ўлкаларга бўлиниб кетган Германияда иттифоқчиларнинг бирлашган ва та'сирли назоратини уюштириш қийин бўлур эди. Бир бутун Германияда бундай назоратни амалга ошириш анча осон бўлади. Чунки иттифоқчиларнинг Германияни чинакам ва қаттиқ назорат қилиб туришларигина уни тамомила демократлаштиришни ва нацистлардан тозалашни та'минлайди.

Бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, Лондон матбуоти Польша ҳукуматининг баёнотини э'тиборсиз қолдириш, унинг бирлашган демократик Германияни тузиш ва иттифоқчиларнинг назоратини кучайтириш тўғрисидаги чақиригини э'тиборсиз қолдириш блан бирга, бугун совет'ларга қарши ваҳимали хабарларни босиб чиқарди. Бу хабарларда иттифоқчиларнинг Берлиндаги Контроль Кенгашида чиққан ихтилофлар бўртдириб кўрсатилади ва Кенгашдаги совет вакиллари Ташқи ишлар министрлари кенгашининг Москвада бўлаётган конференциясига тақим этиш учун биргалашиб доклад тайёрлашни «барбод беришга уринаётирлар» деб шовқин кўтарилади.

Германияда тўртта давлатнинг назорати «барбод бўлганлиги» тўғрисидаги бу «ваҳимали» гаплар блан Германияни майда ўлкаларга бўлиб юбориш тўғрисидаги уринишлар ўртасида алоқа борлиги равшанлир.

Шу блан бирга ташқи ишлар министрлари ўринбосарларининг 27 январьда бўлган ва Польша вакили сўзлаган мажлиси ҳақида журналистларга ба'зи тафсилотлар ма'лум бўлди. Буни рейтер агентлигининг хабарларидан ҳам билиб олса бўлади.

Франция вакили Польша вакили томонидан баён қилинган ба'зи фикрларга қарши э'тироз билдириб, шу муносабат блан Польша вакилига бирқанча савол берди. Франция вакилининг айтишича, Франция делегацияси Германиянинг сиёсий тузилиши масаласида Польша ҳукуматининг фикрига қўшилмайди. Франция вакили Польша делегациясининг, агар Германия сиёсий жиҳатдан бирлаштирилса, миллатчилик ва шовинистлик майиллари камаяди, деган мулоҳазаларга шубҳа блан қарали. Шуниси қизиқки, Франция вакили Польша вакилининг, сиёсий жиҳатдан бирлашган Германияда йирик саноат ва молия монополиялари тугатилиши керак, деган фикрида қарама-қаршилик бор деб да'во қилди. Франция вакили Польша делегатининг Германияни майда ўлкаларга ажратиб юборишга уриниш—тарих гилдирагини тескари буришга уриниш бўлур эди деган сўзида ҳам қарама-қаршилик борлигини айтди. Франция вакили айтдики, Пруссия тўғрисида, масалан, ба'зи кишилар ҳудди тарих гилдирагини тескари буришни таклиф қилмоқдалар, чунки улар ҳеч қандай тарихий ан'аналари писанд қилмай, Пруссияни мустақил давлат сифатида тугатишни таклиф қилмоқдалар. Ба'зи ма'лумотларга кўра, Кув де Мюрвиль, Пруссияни тугатиш мумкин, аммо пруссларни тугатиш мумкин эмас, деган.

Вербловский Франция вакилининг э'тирозларига батафсил жавоб бериб, агар Германияни майда ўлкаларга ажратилганда ҳам, буни амалда узоқ вақт давом эттириш мумкин бўлмас эди, деди.

Польша вакили Германиядаги йирик монополияларни тугатишни таклиф этди, чунки йирик монополиялар ўтмишда ҳамиша немис милитаризмининг суянчи бўлиб келди. Энг йирик молия ва саноат монополияларини тугатиш эса — Германияни қуролсизлантириш ва нацистлардан тозалаш талбирининг муҳим бир қисми сифатида зарурлир. Бу сиёсат қўшни мамлакатларнинг хавфсизлиги ва Европада тинчлик учун керакдир. Польша вакили сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бир бутун Германия бўлишини ёқлаб гапирди.

Вербловский айтдики, пруссмиллий онги деган нарса йўқ, чунки пруссмиллатининг ўзи йўқ, аммо герман миллати ва жуда кучли герман миллий онги бор. Германияни йўқотиш ва парчалаб юбориш мумкин бўлмаганидек, герман миллий онгини ҳам йўқотиш мумкин эмас.

„Узоқ Шарқда демократик сиёсат учун кураш комитети"нинг Маршаллга мактуби

НЬЮ-ЙОРК, 28 январь (ТАСС). «Узоқ Шарқда демократик сиёсат учун кураш комитети» ўтган ҳафтада Америка Қўшма Штатларининг давлат секретари Маршаллга юборган мактубининг копиясини матбуотда э'лон қилиш учун топширди. Комитет ўз мактубида бундай деди: агар Қўшма Штатлар Чан-Кай-шига ёрдам беришни кучайтириш тўғрисида яқинда сенатор Ванденберг томонидан киритилган таклифга амал қилса, Хитойда ялпи граждан уруши узоқ вақт давом этади, бу уруш америкаликларни ҳам ўзига кенг тортиши мумкин. Комитетнинг айтишича, «Чан Кай-ши бу урушдан ютиб чиқа олмайди, хитой халқи ва бутун дунёдаги халқлари бу уруш учун Америка Қўшма Штатларини қоралаяжаклар».

Комитет ўз мактубида, Японияга қарши олиб борилган уруш тамом бўлган пайтдан буён Америка Қўшма Штатлари Гоминданга деярлик 4 миллиард доллар лик ҳарбий материал ва пул блан ёрдам берганлигини кўрсатиб, шунинг орқасида икки ўртада ўтган йили Маршалл уриниб кўрганидек воситачилик қилиш учун ҳеч қандай асос қолмади, дейди. Комитетнинг хатида бундай дейилади: Хитойнинг яқинда қабул қилган конституцияси учалик демократик руҳда эмас. Чан-Кай-ши ўз қўлидаги ҳокимиятни ҳеч кимга бермаса керак, деб фараз қилинмоқда. Комитет Америка Қўшма Штатларини Ванденберг сиёсатини рад этибгина қолмай, балки тескаричи Гоминданни қўллаш сиёсатидан ҳам воз кечишга чақиради. Америка Қўшма Штатлари ўтган йил Гоминданни ёқлаб келди. Комитет ўз мактубининг охирида, Маршалл раҳбарлиги остида Америка Қўшма Штатлари президент Трумэн 1945 йил 15 декабрьда э'лон қилган сиёсатга амал қилур, деб ишонч билдиради.

Англия блан Бирма ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисида Петик-Лоуренснинг баёноти

ЛОНДОН, 29 январь (ТАСС). Рейтер агентлиги билдиради: Англиянинг Ҳиндистон ва Бирма ишлари министри Петик-Лоуренс Англия ҳукумати блан Бирма ижроия кенгашининг делегацияси ўртасида Лондонда олиб борилган музокаларларнинг тамом бўлганлиги ҳақида 28 январьда лордлар палатасида ҳукумат номидан баёнот берди. Петик-Лоуренснинг сўзига қараганда, икки ўртада келишув бўлиб, шу йил апрельда Та'сис этучи мажлис чақиришга қарор берилган.

«Биз,— деди Петик-Лоуренс,— конституция тайёр бўлган ҳамоно, бу соҳала чиқарилиши лозим бўлган қонунларни кечиктирмай парламент муҳокамасига ҳавола қилмоқчимиз. Шу вақтгача бўлган қисқа муддатли ўткинчи бир давр ичида Бирма, ҳозирги вақтда бўлганидек, аввалгича 1935 йилда чиқарилган қонуннинг фавқулодда моддаларига мувофиқ идора қилинади. Тегишли қонун чиқарилмай туриб, губернаторнинг ва ижроия кенгашининг ҳуқуқий ваколатлари ўзгартирилмайди. Лекин, Бирманинг муваққат ҳукумати ҳам умуман Ҳиндистон муваққат ҳукумати каби тузилади деб қарор қилинди. Ҳозирги вақтда расмий суратда губернатор томонидан ҳал қилинадиган ба'зи масалалар келгусида ижроия кенгашига берилади». Петик-Лоуренснинг айтишича, чет элларда Бирманинг ваколатхоналарини ташкил қилиш ва чегарадош районларнинг талабларини аниқлаш чоралари ҳақида ҳам бир фикрга келинган.

Аммо, деб давом этдирди Петик-Лоуренс ўз сўзини, Бирма делегациясининг икки а'зоси битимга қўл қўймади. Петик-Лоуренс шу муносабат блан таассуф билдириб ва келгусида Англия блан қандай муносабатда бўлиш масаласини Бирма халқи ва ҳукумати ўзлари ҳал қилиши кераклигини айтиб, бундай деди: «Агар Бирма халқи ва ҳукумати Британия миллатлар дўстлигининг а'зоси бўлиб қолишга қарор берсалар, биз буни табрик қилажакмиз». Бош министр Эттли умум палатасида сўзга чиқиб, Петик-Лоуренснинг лордлар палатасидаги баёнотига ўхшаш баёнот берди.

СУРИЯНИНГ ТУРКИЯДАН ТАЛАБИ

ЛОНДОН, 28 январь (ТАСС). Рейтер агентлиги Дамашқдан хабар беради: Сурия бош министри Жамил Мардамбей Сурия ҳукумати Искандария вилояти масаласида Туркия блан бўлган низо'ни «тегишли халқаро ташкилот» муҳокамасига топширмоқчи эканлигини Англия вакилига билдирган.

Халқаро ташкилотнинг номи айтилмаса ҳам, бу ерда гап, афтидан, Бирлашган миллатлар ташкилоти ҳақида борса керак.

Шу блан бирга, Сурия Туркиядан Киликияни ҳам қайтариб беришни талаб қилади. Хабарларга қараганда, бу ерда яшовчи бир миллион сурияли «ҳонавайрон бўлган ва эксплоатация қилинмоқда».

Сурия ҳукумати, деди Жамил Мардамбей, Киликиянинг Туркияга қўшилишини ҳеч қачон таниган эмас. Рейтер агентлигининг билдиришича, «Киликия Искандария вилояти доирасидан ташқарида бўлган чегара районидир. Киликиянинг кўп қисми Туркия қўлидадир».

НАҚРОШИ ПОШШО БАЁНОТИ

ЛОНДОН, 28 январь (ТАСС). Рейтер агентлигининг Қоҳирадаги мухбири билдиради: бугун «Аль-Аҳром» газетасида Нақроши пошшонинг баёноти э'лон қилинди. Баёнотда бундай дейилади: «Англия блан Миср ўртасида 1936 йилда тузилган шартнома Бирлашган миллатлар ташкилотининг Уставига тўғри келмайди. Биз бу шартномани бекор қилишни Бирлашган миллатлар ташкилотидан сўраяжакмиз».

ГРЕЦИЯ МА'МУРЛАРИ АЛБАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ГРЕЦИЯГА КЕЛИШИГА РУХСАТ БЕРМАЁТИРЛАР

ТИРАНА, 28 январь (ТАСС). Албания телеграф агентлиги хабар беради: Грециянинг шимолий чегарасидаги аҳволни текшириш учун Хавфсизлик Кенгаши томонидан тузилган комиссиядаги Албания делегацияси грек ма'мурлари ўларнинг Грецияга келишига рухсат бермаганлиги сабабли Скопледа тўхташга мажбур бўлди.

Агентлигининг хабарида айтилишича, Греция ҳукумати Хавфсизлик Кенгашининг қарорига хилоф бўлган нотўғри йўл тутганлиги сабабли, Албания бош министри ва Ташқи ишлар министри генерал-полковник Анвар Хўжа Бирлашган миллатлар ташкилотининг бош секретарига телеграмма юбориб, Греция ҳукуматининг бу ҳаракатига қарши норозилик билдирган ва Бирлашган миллатлар ташкилотидан бу ишга аралашишни талаб қилган.

ҲИНДИСТОНДА КОММУНИСТЛАР ҚАМОҚҚА ОЛИНМОҚДА

ЛОНДОН, 29 январь (ТАСС). Рейтер агентлигининг хабарига қараганда, 23 январьдан буён Мадрас вилоятида кўзга кўринган коммунистлардан 75 киши қамоққа олинган. Улар Мадраслан 150 миля масофадаги Веллор марказий турмасига қамалган.

БИЛДИРИШ

Шу йил 1 февраль соат 5 да Ўзбекистон совет ёзучилар союзи биносида (1-Май кўчаси, 20) таржима секциясининг навбатдаги йиғилиши бўлади. Бунда «А. Некрасов ше'рлари ўзбек тилида» деган мавзу'да Пабн Алимуҳамедов ва Зулфия ўртоқлар доклад қиладилар. Қизиққан ўртоқларнинг келиши мумкин.

Ўзбекистон совет ёзучилар союзи.

Мас'ул муҳаррир ўринбосари:
Р. САҲИБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ЎзОПЕРА ТЕАТРИДА — 1 февральда **Кармен.**
МУҚИМИЙ ТЕАТРИДА — 2 февральда **Офтобхон.**
ЎЗБЕК МУЗИҚА ТЕАТРИДА (Беш'ёғоч) — 1 февральда **Офтобхон**, 2 февральда **Хўжа Насриддин.**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Ф. В. Федин раҳбарлигидаги **цирк труппасининг гастрольлари.** Аттракцион — **йиртқич ҳайвонлар.** Тамоша кеч соат 9 да бошланади.
2 февральда **уч тамоша.** Кундуз соат 1, 4 ва кеч 9 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ» — **Хўжа Насриддин** (ўзбек тилида); «ИСКРА» — янги бадиий фильм **«Безимянний»** ороли; «НОВОСТИ ДНЯ» — **Максимнинг қайтиши**; «ВЕСНА» — **Ҳукумат а'зоси**; «ЎЗБЕКИСТОН» — **ҳужжатли фильм Совет Эстонияси.**

Тез ёрдам клиник касалхонаси ҳузуридаги
МЕДИЦИНА ҲАМШИРАЛАРИ МАКТАБИ
1-нчи курсга
ЎҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кўручилар 1947 йил 5 февральдан бошлаб рус тили, математика, СССР Конституциясидан имтиҳон қилинади.
Ўқиш 1947 йил 10 февральда бошланади.
Медицина ҳамширалари мактабига камида 7 синф ҳажмида ма'лумоти бўлган хотин-қизлар қабул қилинади.
Аризалар дам олиш кунларидан бошқа ҳар куни кеч соат 6 дан 8 гача мактаб биносида, Жуковский кўчаси, 74-нчи уйда қабул қилинади (Ремесленная кўчасидан кирилади).

Муқимий номли Ўзбек давлат музикали драма ва комедия театрида
1 февральда
ПРЕМЬЕРА **Ализода асари.**
ҚИЗИЛ ГУЛ
Озарбайжон қаётидан 4 пардали музикали комедия қўйилади.
Хожибеков музикаси.
Саҳнага қўючи — режиссёр **Зуҳур Қобилов**, дирижёр — **Д. Зокиров**, рассом — ЎзССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби **Ш. Шораҳимов.**
Спектакль кеч соат 8 да бошланади.

ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Маданий-оқартув муассасалари комитетининг
МАРКАЗИЙ ЛЕКЦИЯ БЮРОСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР МАКТАБЛАРИНИНГ ЎҚУЧИЛАРИ УЧУН ДАМ ОЛИШ КУНИ ЛЕКТОРИЯСИ
уюштиради.
Лекторияда Ўзбекистон Ленинчи Комсомолининг XI қурултойига бағишланган илмий-оқартув ва адабий мавзу'ларда лекциялар ўқилади.
Лекция ўқишга шаҳарнинг малакали кучлари чақирилган.
Биринчи машғулот 1947 йил 2 февраль да, Алоқа ходимлари клубида (Пушкин ва Крилов кўчаларининг бурчаги) бўлади Лекция мавзу'и: **«Фадеевнинг «Ёш гвардия» деган романи».** Лектор — ўртоқ **В. А. Иванченко.**
Лекция кундуз соат 3 да бошланади. Лекцияга абонемент ва билетлар блан кирилади. Билетлар лектория кассасида сотилади.
Абонементларга мактаблардан коллектив заявкалар қабул қилинади.

СССР Осоавиахим Союзининг Марказий Кенгаши ҳамда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Радиолаштириш ва радио эшитдириш Бутун Иттифоқ комитети
радио ҳаваскорлигини янада юксалтириш, радиотехника ютуқларини оммалаштириш ва энг яхши конструкторларни аниқлаш учун
6-нчи БУТУН ИТТИФОҚ СИРТҚИ РАДИО ҚУРГАЗМАСИ УЮШТИРДИЛАР.
Қўргазмага қуйидаги қўлдан ясалган ҳаркандай конструкцияларнинг: **радиоприёмник, радиопередатчик, радиола, телевизор, овозга олучи асбоб, кўчма радио, УКВ аппарати, ўлчаш асбоблари, радиотрансляция узеллари, радио карнайлари ва ҳархил детальларнинг та'рифи қабул қилинади.**
Ҳарбир қўргазма қатнашчиси исталганча мавзу'ни танлашга ҳақлидир.
Қатнашчиларни рағбатлантириш учун, умумий маблағи 88.500 сўмлик ва ҳаркайсиси 7.000 сўмдан 500 сўмгача бўлган пул мукофотлари белгиланган.
Қўргазмага қатнашишни хоҳлаган кишилар муфассал шартларни қуйидаги жойлардан:
Тошкент шаҳрида: ЎзССР Осоавиахим Марказий Кенгашидан (Ленинград кўчаси, 25-нчи уй), Осоавиахим Тошкент область кенгашидан (Лениновский кўчаси, 39-нчи уй), Осоавиахим Тошкент шаҳар кенгашидан (Сталин кўчаси, 29-нчи уй) ҳамда ЎзССР Осоавиахимининг барча область ва шаҳар кенгашларидан билишлари мумкин.
Конструкцияларнинг та'рифини Осоавиахимнинг барча область ва шаҳар кенгашларидаги қўргазма комитетлари қабул қиладилар.
ЎзССР Осоавиахим Марказий Кенгаши ҳузуридаги Қўргазма комитетининг адреси: Тошкент шаҳар, Ленинград кўчаси, 25-нчи уй. Телефон — 31923.

Ўзбекэнерго қарамоғидаги
ТОШРЭС
гражданларга билдирадики, шаҳарнинг Ленин районида яшовчи гражданларга хизмат кўрсатиш учун
ТошРЭС электр тармоқларининг 3-нчи РЕМОНТ БЮРОСИ ОЧИЛГАН.
3-нчи ремонт бюросининг адреси: Кафанов кўчаси, 110-нчи уй. Телефон — 33284.
Бўзсув, Анҳор ва Бўржар ариқларининг (оқима бўйича) ўнг томонидаги доирада яшовчи гражданларга ТошРЭСнинг 2-нчи ремонт бюроси хизмат қилади. 2-нчи ремонт бюросининг адреси: Хадра. Телефон — 33364.
Шаҳарнинг бошқа доирасида яшовчи гражданларга ТошРЭСнинг 1-нчи ремонт бюроси хизмат қилади. 1-нчи ремонт бюросининг адреси: Энгельс кўчаси, 36-нчи уй. Телефон — 32694, 34944.

ЎзССР Давлат
САН'АТ МУЗЕЙИДА
(Карл Маркс кўчаси, 29-нчи уй, Особторг универмагининг 2-нчи қаватида)
Ўзбекистон рассомлари асарлари, чинни ва бадиий кулолчилик, ҳайкалтарошлик
(мармар, бронза, гипс)
ҚЎРГАЗМАЛАРИ ОЧИЛГАН.
Музей ҳар куни эрталаб соат 10 дан кеч 6 гача очиқ бўлади. Коллектив бўлиб экскурсияга келиш учун заявкалар қабул қилинади. Кириш пуллик.
Дам олиш кунларида музейда сан'ат тарихи масалаларига доир лекция ишлайди. Лекцияга ҳар кимнинг кириши мумкин. Лекция кеч соат 8 да бошланади.

ДАВЛАТ УРУҒЛИК КОНТРОЛИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК УСИМЛИКЛАРИ КАРАНТИНИ ИНСПЕКЦИЯСИ
барча совхоз, колхоз, ёрдамчи хўжаликларга ва айрим кишиларга билдирадики,
ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг 1944 йил 11 апрелидаги 1097-Р сон фармойишига биноан
помидорга бўладиган бактериали рак касалининг тарқалишига йўл қўймаслик учун,
Тошкент областидан
ПОМИДОР УРУҒЛАРИ ВА КЎЧАТЛАРИНИ ОЛИБ ЧИҚИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.
Помидор уруғлари ва кўчатларини фақат Давлат уруғлик инспекциясидан рухсат олгандан кейингина сотиш, бошқаларга бериш ва бошқа жойларга юбориш мумкин.
Экиладиган помидор уруғлари дастлаб дориланиши лозим. Дорилаш иши Давлат уруғлик инспекцияси Фумигация отрядининг дорилаш пунктида (Ўзбекистон кўчаси, 38-нчи уй, Ботаник боғи доирасида) бажарилади.
Бу қоидаларни бузишда айбдор бўлганлар жавобгарликка тортилади.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг
КЎЧАТ-ГУЛЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ
туваққа ўтказилган
ГУЛЛАР,
турли нав' гул уруғликлари
СОТА БОШЛАДИ.
Гулдасталарга ҳам буюртмалар қабул қилади.
Адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 22-нчи уйга (телефон — 31518) ва Революция скверидаги магазинга келиб учрашилсин.

Тошкент область, Оржоникидзе район, 1-нчи бўлим халқ суди билдирадики, М. Саидованинг А. Олтмишбоевдан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

ЎзССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ
билдирадики,
ўзбек мактабларига
РУС ТИЛИ ДАРСЛИКЛАРИ ТУЗИШ УЧУН
«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1946 йил 24 апрелидаги 83-нчи сонида э'лон қилинган
КОНКУРС МУДДАТИ
1947 йил 1 майгача давом этдирилди.

Ўзбек опера ва балет театри
ХОРГА АШУЛАЧИЛАР
(тенорлар)
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.
Иш ҳақи ўзаро келишилади. Қабул қилинганларга махсус та'минот берилади.
Театр дирекциясига (Правда Востока кўчаси, 12-нчи уй) эрталаб соат 10 дан кеч 6 гача мурожаат қилинсин.

СССР Рангли металлургия министрлигининг 1947 йил 8 январь фармойишига биноан,
«ВОЛЬФРАМПРОДСНАБ» ТРЕСТИНИНГ ЎРТА ОСИЕ КОНТОРАСИ ТУГАТИЛАДИ.
Да'волар СССР Рангли металлургия министрлигининг «Вольфрампродснаб» Ўрта Осиё конторасини тугатиш комиссияси томонидан 1947 йил 5 февральгача қабул қилинади.
Адрес: Тошкент шаҳар, Тарас Шевченко кўчаси, уй № 11-а.

Тошкент шаҳар, Октябрь район, 23-нчи халқ суди билдирадики, Н. Гиёсованинг Ҳ. Муҳиддиновадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар, Москва район, 11-бўлим халқ суди билдирадики, Р. Исмоиловаининг Т. Исоевдан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

РЕДАКЦИЯ ва НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши ва Пропаганда-агитация бўлими — 34780; Қишлоқ хўжалик бўлими — 33468; Санъат бўлими — 31048. Совет қурилиши бўлими — 31226; Хатлар бўлими — 32347; Э'лонлар бўлими — 37062.
«Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тиражи 64,5 минг № 86 Р. 00120.